# Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний

Ўрта Осиё тарихида Сомонийлар сулоласининг ҳукмронлик қилган даври (IX – X асрлар) алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу даврда Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар ислом дунёсининг энг йирик маданий ва илмий марказларига айланди, маҳаллий халқларнинг ислом давридаги давлатчилиги асослари яратилди. Ёзма манбаларда Сомонийлар сулоласининг турли вакиллари, улар ҳукм сурган даврдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳвол ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд. Лекин Сомонийлар сулоласининг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлар жуда ҳам кам ва бир бирига зиддир. Ушбу китоб Сомонийлар сулоласининг энг ёрқин намоёндаси Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомонийнинг давлат арбоби сифатида олиб борган фаолиятига бағишланган. Китоб 2 қисмдан иборат. 1-қисмда Сомонийларнинг келиб чиқиши масаласи таҳлил этилган. Хусусан, Исмоил Сомонийнинг исломдан олдинги даврларда яшаган аждодлари Баҳром Чубин, Жаббохон ва Сомон худот ҳақида маълумотлар келтирилган. 2-қисм Исмоил ибн Аҳмаднинг ўзига бағишланган. Унда Исмоил ибн Аҳмаднинг ислом давридаги аждодлари, шунингдек, унинг ҳуқуқий мақоми, бошқарув тизими, қўшин ислоҳоти, жиҳод урушлари, Сомонийлар даври маданияти, Исмоил Сомоний мақбараси ва вақф ерлари ҳақида сўз юритилган.



Шамсиддин Камолиддин – тарих фанлари доктори, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими (Ўзбекистон). Турк хоқонлиги (VI аср ўртаси - VIII аср ўртаси) ва Араб халифалиги (VIII аср ўртаси - XIII аср боши) даврининг араб, форс ва турк тилидаги манбалари асосида Ўрта Осиё тарихи ва тарихий географияси тадқиқотлари билан шуғулланади.

978-620-2-30529-7



Scholars' Press

Шамсиддин Камолиддин

# Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний

## Ўзбек давлатчилиги тарихидан (IX - X асрлар)

**Шамсиддин Камолиддин**

# Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний

Шамсиддин Камолиддин

# Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний

## Ўзбек давлатчилиги тарихидан (IX - X асрлар)

Scholars' Press

**Imprint**
Any brand names and product names mentioned in this book are subject to trademark, brand or patent protection and are trademarks or registered trademarks of their respective holders. The use of brand names, product names, common names, trade names, product descriptions etc. even without a particular marking in this work is in no way to be construed to mean that such names may be regarded as unrestricted in respect of trademark and brand protection legislation and could thus be used by anyone.

Cover image: www.ingimage.com

Publisher:
Scholars' Press
is a trademark of
International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group
17 Meldrum Street, Beau Bassin 71504, Mauritius

Printed at: see last page
**ISBN: 978-620-2-30529-7**

Copyright © Шамсиддин Камолиддин
Copyright © 2017 International Book Market Service Ltd., member of OmniScriptum Publishing Group
All rights reserved. Beau Bassin 2017

## ИЧИДАГИЛАР

Сўз боши ........................................................................................ 3

1-қисм. Исмоил Сомонийнинг аждодлари.
Баҳром Чубин ........................................................................................ 5
Сомон-худот ........................................................................................ 7
Жаббохон ........................................................................................ 11
Мансур ибн Нуҳ медальони ........................................................................................ 13
Сомон-йабғу ........................................................................................ 16
Арқуқ ........................................................................................ 17
Кокулдор ........................................................................................ 18

2-қисм. Исмоил ибн Аҳмад Сомоний.
Аҳмад ибн Асад ........................................................................................ 23
Аҳмад ибн Асаднинг ўғиллари ........................................................................................ 24
Исмоил ибн Аҳмад ........................................................................................ 25
Исмоил Сомонийнинг бошқарув тизими ........................................................................................ 28
Исмоил Сомонийнинг қўшин ислоҳоти ........................................................................................ 30
Жиҳод урушлари ........................................................................................ 34
Исмоил Сомонийнинг ҳуқуқий мақоми ........................................................................................ 36
Исмоил Сомоний даври маданияти ........................................................................................ 40
Исмоил Сомоний мақбараси ........................................................................................ 45
Исмоил Сомонийнинг вақфномалари ........................................................................................ 50

Фойдаланилган адабиётлар ........................................................................................ 59
Шартли қисқартмалар ........................................................................................ 69

Илова ........................................................................................ 71

# СЎЗ БОШИ.

Ўрта Осиё тарихида Сомонийлар сулоласининг ҳукмронлик қилган даври (IX – X асрлар) алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки бу даврда Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар ислом дунёсининг энг йирик маданий ва илмий марказларига айланди, маҳаллий халқларнинг ислом давридаги давлатчилиги асослари яратилди. Ёзма манбаларда Сомонийлар сулоласининг турли вакиллари, улар ҳукм сурган даврдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳвол ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд. Лекин Сомонийлар сулоласининг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлар жуда ҳам кам ва бир бирига зиддир. Шунинг учун бу масала шу пайтгача хали аниқ ечимини топмаган. Сомонийларнинг асл келиб чиқиши ҳали номаълум бўлса ҳам, кўпчилик тадқиқотчилар орасида уларнинг келиб чиқиши форс ва Сосонийлар сулоласи билан боғлиқ деган хато фикр ҳукм суриб келмоқда. Бу эса бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларида ва деярли барча энциклопедик нашрларда ўз аксини топган. Шунинг учун Сомонийлар сулоласининг асл келиб чиқишини аниқлаш ҳозирги кунда тарих фани олдида турган энг долзарб масалалардан биридир, уни ҳал этиш учун эса олдингидан ҳам кенгроқ доирадаги манбаларни жалб этган ҳолда қўшимча тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Сомонийлар ҳақидаги маълумотлар мўғуллар даврига қадар Ўрта Осиё тарихи бўйича араб ва форс тиллларида ёзилган деярли барча манбаларда, IX – XII асрларда ёзилган тарихий-географик ва биографик асарларда ҳамда бошқа манбаларда келтирилган. Сомонийлар сулоласи тарихига бағишланган бизгача етиб келмаган "Тарих-и Ол-и Сомон" ("Сомонийлар хонадони тарихи") номли махсус асар бўлганлиги ҳақида маълумот бор. Сомонийлар ҳақида баъзи маълумотларни мўғуллар давридан кейин ёзилган манбаларда ҳам учратиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бизгача етиб келмаган қадимги манбалардан олинган. Мирхонднинг умумий тарихга бағишланган "Равзат ус-сафо" асарида Сомонийлар ҳукмронлиги тарихига алоҳида бўлим бағишланган. Сомонийлар сулоласи ҳақида бой маълумотлар ҳужжат манба ҳисобланган нумизматик материалларда ҳам мавжуд бўлиб, улар ёзма манбалардаги маълумотларни анчагина тўлдиради ва аниқ- ликлар киритади.

Сомонийлар сулоласининг бобокалони Сомон-худот сиёсий майдонда VIII асрнинг биринчи чорагида пайдо бўлиб, Балх шаҳридан Марвга Хуросон амири Асад ибн ʻАбдуллоҳ ал-Қасрий (ёки ал-Қу-

шайрий)[1] олдига келади ва ундан ўзининг Балхдаги душманларига қарши курашда ёрдам беришни сўрайди. Унинг ёрдами билан душманларини енгиб ўзининг мавқеини тиклаб олгач, Сомон-худот Асаднинг ёрдамида ислом динини қабул қилади ва унинг шарафига ўз ўғлининг исмини Асад деб қўяди. Кейинроқ у ўғли Асад билан бирга Хуросондаги Абу Муслим қўзғолонида иштирок этади. Кейинчалик унинг ўғли Асад халифа ал-Ма'муннинг Марвдаги саройида[2] хизмат қилади. Асад билан бирга ал-Ма'мун саройида шунингдек Суғд подшоҳларининг авлодлари – Ихшид ас-Суғдий ва Шабиб ибн Бухорхудот ал-Балхий ҳам хизмат қилганлар.

Сомон-худотнинг набиралари, Асаднинг ўғиллари Нуҳ, Аҳмад, Яҳё ва Илёс Ўрта Осиёда Рофиъ ибн ал-Лайс бошчилигида кўтарилган қўзғолон (190 – 195/806 – 810 йй.) ни бостиришда фаол қатнашиб, қўз- ғолончилар билан музокара олиб борадилар ва таслим бўлишга кўндирадилар. Бу хизматлари учун ал-Ма'мун Марвдан Бағдодга кетишдан олдин уларни ҳоким этиб тайинлашга буйруқ берди ва 204/819-20 йилда Нуҳ Самарқанд ҳокими, Аҳмад Фарғона ҳокими, Яҳё Шош ва Уструшана ҳокими, Илёс эса Ҳирот ҳокими этиб тайинланди. Улардан Илёс ибн Асад Тоҳирийлар қўшинида юксак мавқега эга бўлиб, 212/827-28 йилда Мисрдаги ал-Искандарийа (Александрия) шаҳрига ҳоким этиб тайинланган.

Манбаларда Сомон-худотнинг яна бир ўғли Исҳоқ ибн Сомон ҳақида маълумот келтириган. У халифа ал-Маъмуннинг ҳарбий қўмондон Заҳайр ибн ал-Мусайяб аз-Заби қўл остида хизмат қилган ва 193 йилнинг *шаввол*/809 йилнинг июль ойига қадар Сеистон ҳокими этиб тайинланган [Та'рих-и Систан: 180, 495]. Бошқа манбаларда у ҳақида маълумот йўқ. Эҳтимол у хорижийларнинг Ҳамза ал-Хорижий (179 – 195/795 – 811 йиллар) бошчилигида Сеистонда кўтарилган қўзғолонини бостиришда иштирок этган ва ҳалок бўлган. Манбаларда шунингдек Салама ибн Сомон ал-Бухорий исмли шахс тилга олинган, IX асрда Бағдодда бир маҳалла унинг номи билан аталган бўлиб, унда ал-Бухориййа (яъни Бухороликлар) номли яшил минорали масжид бўлган.

---

[1] Абу Мунзир Асад ибн 'Абдуллоҳ ал-Қасри – 98/716-17 йилда Журжон ҳокими, 106 – 109/724 – 728 ва 117/735 йилларда эса Хуросон амири; 120/737-38 йилда вафот этган.

[2] ал-Ма'мун – 182 – 198/798 – 812 йилларда Хуросон амири, 198 – 218/813 – 833 йилларда эса Бағдод халифаси.

## 1-қисм.

# ИСМОИЛ СОМОНИЙНИНГ АЖДОДЛАРИ

### *Баҳром Чубин*

Манбаларда Сомон-худотнинг келиб чиқиши ҳақида турли маълумотлар келтирилган. Айрим маълумотларга кўра, у Сосоний шоҳаншоҳи Баҳром Гур (420 – 438 йилларда ҳукм сурган)[3] ёки Хусрав I Ануширвон (531 – 579 йилларда ҳукм сурган) нинг авлодларидан бири бўлган. Лекин кўпчилик манбаларда унинг шажараси Сосоний шоҳаншоҳи Хурмазд IV (579 – 590 йилларда ҳукм сурган) нинг ҳарбий қўмондони Баҳром Чубин (VI аср) га бориб тақалади. Баҳром Чубин аввал Арманистон ва Озарбайжон[4], кейин эса Рей ва Хуросон *марзбони* этиб тайинланган.

Айрим маълумотларга кўра, Баҳром Чубиннинг келиб чиқиши Сосонийлар хизматидаги ўғуз туркларидан бўлган. Маълумки, Сосонийлар ўз ҳарбий кучларига қўшни туркий халқларнинг вакилларини кўплаб жалб этганлар Масалан, IV асрда Сосонийлар *хионий* қабилаларини Византияга қарши урушга жалб этганлар. 502 йилда шоҳаншоҳ Кавад (Қубод) *эфталий* қабилалари билан биргаликда Византияга қарши юриш қилган, 503 йилда эса *эфталий* қабилалари Кавказда ҳунларга қарши урушганлар. 527 – 532 йилларда Сосонийлар Византияга қарши урушда *савир* қабилаларини жалб этганлар. Хусрав I Ануширвон мамлакатини кўчманчи туркий қабилаларнинг бостириб киришидан сақлаш мақсадида ўзининг чегара ерларини туркий қабилаларнинг ўзларига қўриқчилик учун топширган. Масалан, ал-Масъудий маълумотига кўра, у Кавказ тоғларида ғайридинларга қарши Боб ал-Абвоб (Дарбанд) қалъаси ва узунлиги 40 *фарсах* (1 *фарсах* – тахминан 6 – 7 км) бўлган девор қурдириб, унинг дарвозаларини қўриқлаш учун *хазар*, *алан*, *ас-сарир* (*савир*) ва туркларнинг турли тоифаларига мансуб бўлган қабилаларни жойлаштирган.

Чегара ерларнинг ҳокимлари лавозимига асосан эроний бўлмаган халқларнинг вакиллари (хионийлар, эфталийлар, хазарлар, турклар, дайламийлар, арманлар, грузинлар ва бошқалар) тайинланган. Улар “чегара посбони” маъносини англатувчи юксак *марзбон* унвонига эга

---

[3] Баҳром Жур (Гур) – сосоний шоҳаншоҳи Варахран V Гур (420 – 438 йилларда ҳукм сурган) ислом даври адабиётида қабул қилинган исми. Ўрта асрларда Баҳром исми туркларда ҳам кенг тарқалган.

[4] Низом ал-Мулкга кўра, Баҳром Чубин сосоний шоҳаншоҳи Хусрав II Парвиз (590 – 628 йилларда ҳукм сурган) нинг вазири бўлган.

бўлиб, Сосонийлар саройида олий ҳарбий табақа қаторига киритилган. Хусрав I Ануширвоннинг энг яқин одамларидан бири Катулф исмли эфталий бўлган. Унинг саройида турк, хитой ва хазар подшоҳларининг вакиллари истиқомат қилганлар.

Хусрав I Ануширвон турк ҳоқонининг қизига уйланган. Манбаларда бу хоқоннинг исми Кайэн ёки Кукам-хоқон деб берилган бўлиб, аслида у Истами-хоқон – Дизавул бўлган. Рашид ад-Дин асарида бу хоқоннинг исми Кукам Йавкуй, Абу-л-Ғозий асарида эса Кукам Бакуй тарзида қайд этилган. Бошқа Сосоний шоҳаншоҳларидан фарқли равишда Ануширвон ҳукмрон ортодоксал зардуштийлик динининг ақидапараст ғояларидан воз кечиб, бошқа динларнинг вакилларига, хусусан, насронийлар[5], Маздак таълимоти ва бошқа диний фирқаларга нисбатан бағрикенглик сиёсатини олиб борган.

Ануширвоннинг ўғли ва Сосонийлар тахтидаги меросхўри шаҳзода Хурмазд IV ярим турк бўлгани сабабли «Туркзода» деб аталган. Ўз отасининг сиёсатини давом этдириб, у эроний зодагонлар ва ақидапараст зардуштий коҳинларга қарши аёвсиз кураш олиб бориб, насронийларга нисбатан бағри кенг бўлган ва ўз сиёсатида кўпроқ оддий халқга таянган, чунки Сосонийлар империяси аҳолисининг кўпчилик қисмини эфталийлар, турклар, арманлар, грузинлар ва бошқа эроний бўлмаган халқлар ташкил этган.

Баҳром Чубин 588 йилда эфталийлар ва турклар устидан ғалаба қозонгандан кейин[6] шоҳаншоҳ Хурмазд IV Туркзода унга Балх ва бутун Хуросон ерларини инъом этди. Чўл-хоқон[7] нинг ўлимидан кейин унинг ўғли Эл-тегин[8] Байканд қалъасига беркиниб олади[9]. Баҳром Чубин уни қамал қилиб, таслим бўлишга мажбур қилади ва катта ўлжа қўлга киритади. Лекин унинг ҳаммасини Хурмаздга юбормасдан, асосий қисмини ўзига олиб қолади. Шоҳаншоҳ бундан ғазабланиб, уни лавозимидан четлатади. Баҳром Чубин турклар билан битим

---

[5] Ануширвоннинг хотинларидан бири насроний бўлган, унинг Анушак-зад исмли ўғли ҳам онасининг динини қабул қилиб, отасига қарши исён кўтарган.

[6] Бу уруш оқибатида Турк хоқонлиги аввалги куч қудратини йўқотиб, икки қисмга бўлиниб кетган.

[7] Бу хоқон Тарду (Қора Чурин) нинг ўғли ва Истами-хоқоннинг набираси Эл-Арслон билан бир шахс бўлган. Наршахий уни Шер-и Кишвар деб атаган; араб тилидаги манбаларда у Шаба ёки Шийоба, форс тилидаги манбаларда Совашоҳ, хитой манбаларида эса Асилань-дагань (Арслан-тархан) деб аталган.

[8] Матнда унинг исми Йил-тегин (يل تكين) шаклида келтирилган. Хитой манбаларида у Нили, форс манбаларида Пармуда ёки Нармуд деб аталган. У Кашмирда буддавий ибодатхонаси қурган ва Бухорога буддизм динини олиб келган. Пармуда исми туркча Сова Буюруқ исмининг таржимасидир.

[9] Фирдавсийга кўра, бу қалъа Овоза деб аталган.

тузиб, қўшинларига кўплаб турк аскарларини қабул қилади ва улар билан бирга Сосонийлар пойтахти Ктесифонга юриш қилади[10]. У Сосонийлар сулоласини Эрондаги ҳокимиятни қонунга хилоф равишда эгаллаганликда айблаб, парфян Аршакийларини Эроннинг қонуний ҳукмдорлари, ўзини эса уларнинг меросхўри деб эълон қилади. Хусрав II Парвиз ўз пойтахтидан қочиб, Византия императори Маврикий олдига боради. Сосонийлардан ҳокимиятни тортиб олиб, Баҳром Чубин бир йил тахтда ўтиради ва ҳатто ўзининг сурати туширилган тангалар чиқаришга ҳам улгуради[11]. 591 йилда арман, грузин ва византияликларнинг Хусравга содиқ қолган форс қўшинлари билан бирлашган ҳарбий кучлари Арманистондаги Баларат дарёси ёнида Баҳром Чубин аскарларини мағлубиятга учратадилар. Шундан кейин Баҳром Чубин шарққа қочиб, Фарғонада турклар ҳузурида паноҳ топади. У Бармуда исмли турк ҳоқонининг дўсти ва маслаҳатчисига айланади[12] ва унинг қизига уйланади[13]. Лекин маълум вақт ўтгандан кейин у Хусрав II Парвиз томонидан юборилган айғоқчи жосус томонидан заҳарлаб ўлдирилади.

## *Сомон-худот*

Сомон-худот айнан шу никоҳ натижасида вужудга келган оиланинг вакили бўлган. Унинг шажарасидаги айрим исмлар, хусусан, Тамғоч (Тамғос, Тамғосп, Тағмос, Тамгорс, Тамғот, Самтағон) нинг туркий эканлигига олимлар аллақачон эътибор берганлар. Шажарада келтирилган бошқа исмларни, масалан, Шовул, Тағон ва Жаббо, ҳам қадимги турклар орасида кенг тарқалган Сул (Саул), Тўғон ва Жабғу исмлари ва унвонлари билан таққослаш мумкин. Қолаверса, қадимги

---

[10] Баҳром Чубин қўшинларидаги туркларнинг сони жуда ҳам кўп бўлган, чунки манбаъларда кўрсатилишича, Шарқ халқларининг жасур халқлари унга кўплаб қўшилдилар, Хусрав II Парвиз эса шахсан ўзи Баҳром Чубин қўл остидаги турк паҳлавонларидан учтасини ўлдирган. Асирга тушганлар ичида ҳам турклар кўп бўлиб, Хусрав уларни император Маврикийга ғалаба ўлжаси сифатида юборган. Уларнинг пешоналарида христианларнинг хочи сурати туширилган эди.

[11] Баҳром Чубин ўзининг сурати ва Varhran ёзуви туширилган драхма ва динорлар зарб этган.

[12] ад-Динаварийнинг маълумотига кўра, хоқон унга илтифот кўрсатиб, унга ва у билан келган одамларига махсус сарой қурдирган. Баҳром Чубин яккама-якка жангда унга ҳасад қилувчи хоқоннинг акасини ўлдирганда ҳам хоқон унинг мартабасини яна ҳам улуғ қилган.

[13] Ривоятга кўра, хоқоннинг қизи сайрга чиққанда, унга ҳамла қилган ваҳший ҳайвондан уни халос қилгандан кейин хоқон унга ўз қизини ҳам эрга беради ва унга подшоҳлик ато этади.

турклар ҳозиргидек эроний исмлардан ҳам кенг фойдаланганлиги ҳаммага маълум.

Манбалардаги маълумотларга кўра, Сомон-худот Сомон номли бир қишлоқнинг асосчиси бўлиб, бу қишлоқ Балх вилояти, Самарқанд вилояти ёки Термиз вилоятида жойлашган. Сомон (*sāmān*) исмининг келиб чиқиши ҳақида ҳам турли фикрлар айтилган. Ривоятга кўра бу сўз "фаровонлик" маъносини билдирган. Паҳлавий тилида *sāmān* сўзи "чегара", "минтақа", форс тилида эса "тартиб", "интизом", "бойлик" маъноларига эга, Манбаларда Sām(ān) атоқли оти ҳам қайд этилган. Авестага кўра, Sāmān (Thamanaois) одамлари Harahvatiš вилоятида яшаганлар. Сомон (sāmān) исмининг келиб чиқишини чигилча *саман*, яъни "сомон" сўзи билан ҳам боғлаш мумкин. Лекин, бизнингча, бу фикрларнинг барчаси ҳақиқатга тўғри келмайди ва ҳали тўлиқ исботланганича йўқ.

Сомон исмининг келиб чиқишини *шаман* сўзи билан боғлашга ҳам уринишлар бўлган. Марказий Осиё, Урал ва Сибирдаги урал-олтой халқлари тарихида *саман/шаман/самай/самар* номли этноним мавжуд бўлиб, бу халқнинг узоқ ўтмишдаги аждодлари қадимги вақтларда Олтой халқлари орасига жанубий ҳудудлардан кўчиб келган. Берунийга кўра, Ўрта Осиёда *аш-шаманиййа* номли дин вакиллари бўлиб, улар бутларга сиғинганлар, лекин брахманларга нафрат билан қараганлар. Хуросон аҳли буддавий динидагиларни *шаманийин* ёки *шаманāн* (*шаман* сўзининг кўплик шакли) деб атаганлар. Ибн ан-Надим ҳам буддавий динига эътиқод қилувчиларни *ас-саманиййа* деб атаган.

Ҳинд мифологиясида *šатапа* сўзи "ҳукмдор" ва Йима худосининг исми сифатида ишлатилади, буддизмда эса Sāmān ёки Šramāna сўзи эътиқодда "тиришқоқлик қилганлар" га нисбатан ишлатилган бўлиб, улар буддавийлар тизимида иккинчи босқичдаги руҳоний даража соҳиблари ҳисобланган. Шаманизмдаги *шаман* сўзи ҳам худди шу сўздан келиб чиққанлиги маълум. Ўрта асрларда Ҳиндистонда Сāмāн номли шаҳар қайд этилган.

Зардуштийларнинг диний адабиётида Sāmān исми Акаташ (Akataš), Акоман (Akoman), Арастай (Arastāy), Варан (Waran), Нанхаис (Nanhais), Сабук (Sabuk), Тауреч (Taureč), Хион (Hyon) и Зареч (Zareč) сингари иблислар ва салбий шахслар қаторида қайд этилган. Буддавий худолар ва коҳинлар зардуштийларнинг кўз ўнгида "иблис" сифатида бўлиши мумкин эди. Ушбу исмларнинг айримларида туркча сўзлар ва этнонимларни кўриш мумкин: *таш*, *тай*, *куман*, *авар*, *тур, хион*. Паҳлавий *саман* (Sāhmān) исми санскритча "ғамхўрлик кўрсатувчи" маъносини ҳам билдиради.

Баҳром Чубин турк хоқони Эл-тегин (Пармуда, Нилихон) нинг қизига уйланган эди. У эса буддавий динига эътиқод қилган бўлиб, 588 йилда Турк хоқонлиги таркибига эндигина киритилган Тухористон ва Гандхара ҳокими этиб тайинланган. У Кашмирда буддавий ибодатхона қурдирган ва Бухорога буддавий динини олиб келган.

Хитой саёҳатчиси У-кун 759 – 764 йиллар орасида Кашмир ва Гандхарадаги буддавий ибодатхоналар ичида VI – VII асрларда турк ҳукмдорлари ва уларнинг оила аъзолари томонидан юз йил олдин қурилганларини ўз кўзи билан кўрган. Хусусан, Кашмирда турклар асос солган “хотун ибодатхонаси”, турк хоқонининг ўғли асос солган Ve-li-te-le, яъни Ve-li-tegin ёки Эл-тегин ибодатхонаси, Гандхарада “турк подшоҳининг хотуни” асос солган Tegin-cha ибодатхонаси шулар жумласидандир. Тун йабғу-хоқон ҳам буддизмга эътиқод қилган бўлиб, 630 йилда Сюань Цзанни қабул қилган ва ундан таҳсил олган.

Сомонийлар 300 – 351/912 – 962 йилларда Кобул ва Ғaзнада зарб этган кумуш дирҳамларда буқа ва отлиқ (Av), ва Sri Khudavayaka (худоси) деб ўқилувчи ҳиндча ёзувлар (Rv) туширилган. Шу тангаларнинг бошқа бир турларида буқа, Sri Khudavayaka худоси (Av) ва отлиқ суратлари (Rv) туширилган. Сомонийларнинг ҳокими Билга-тегиннинг 320 – 326/932 – 938 йилларда Тухористоннинг шимоли-шарқидаги Бурж Кишм номли зарбхонада чиқарган дирҳамларда Билга-тегин, Сайф ад-Давла Маҳмуд Ғазнавийнинг 385/995-96 йилда Андаробда зарб этган дирҳамларида эса Нуҳ ибн Мансурнинг суратлари тасвирланган. Буқанинг расми ва худо ёки ҳукмдорнинг сурати буддавий анъанасида кенг ишлатилган.

Самарқанддаги Ўзбекистон ФА Археология институтида Мансур ибн Нуҳ ва унинг ўғли Аҳмад ибн Мансурнинг исмлари туширилган мис танга (*фалс*) сақланади. Бу танганинг юз қисмида анъанавий буддавий мандаланинг сурати туширилган бўлиб, у ўрта асрларда Хитой, Тибет, Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонда кенг тарқалган буддавийликнинг шимолий йўналишлари Махаяна ва Важраяна (Тантризм) таълимотларида қуёшнинг рамзи бўлган. Таркибида 8 япроқли гул расми туширилган анъанавий мандала Будданинг тимсоли ҳам бўлган ва VIII – IX асрларда кенг тарқалган Тантризм буддавий таълимотида муҳим роль ўйнаган. Танганинг орқа тарафидаги арабча ёзувларга кўра, у 359/969-70 йилда Фарғонада Сомонийларнинг ҳокимлари Қилич ал-Ҳожиб ва Аҳмад ибн ‘Али томонидан зарб этилган. Худди шундай мандалани Тошкентдаги Санъат галереясидаги Ўзбекистон Миллий банкининг нумизматик коллекциясида сақланаётган Қорахонийларга мансуб айрим тангаларда ҳам кўриш мумкин.

Сомонийларнинг буддавийлик дини билан алоқаларига ишора қилувчи далиллардан яна бири бу Бухородаги Сомонийлар мақбарасининг деворларига туширилган рамзлардир. Бу рамзлар мураккаб геометрик композициядан иборат бўлиб, бир-бирининг ичидаги квадрат шакллар ва уларнинг ўртасида доира шаклдан ташкил топган. Худди шундай рамзларни илк ўрта асрларда Шарқий Туркистоннинг энг йирик буддавий марказларидан бири бўлган Дун Хуан ғор мажмуасининг деворий суратларидаги буддавий ривоятларнинг тасвирларида ҳам кўриш мумкин.

Бу маълумотлар, бизнингча, Сомонийларнинг асл келиб чиқиши масаласига ойдинлик киритишда муҳим роль ўйнаши мумкин. Улардан шундай хулоса келиб чиқадики, Сомон-худот, ислом динини қабул қилганига қадар, манбаларда кўрсатигандек, зардуштийлик динига[14] эмас, балки буддавийлик динига эътиқод қилган. Бу эса исломгача Сомон-худотнинг ватани бўлган Балх шаҳрида буддавийлик дини ҳукмронлик қилган, деган хулосаларга тўла мос келади.

Сомон-худотнинг монийлик диний-фалсафий таълимотига эътиқод қилгани ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Илк ўрта асрларда Балх ва унинг атрофларида бир неча аср (III – VIII асрлар) давомида монийларнинг каттагина жамоаси фаолият олиб борган. VI асрда бу ерда монийлар ва буддавийларнинг яқин алоқалари ҳақида далолат берувчи сеҳр ҳақидаги бир парфян-моний ҳужжати ёзилган. Манбалардан маълумки, VII – VIII асрларда Тухористонда, хусусан, Чағониёнда монийларнинг нуфузи жуда ҳам юқори бўлган. Буддавийлик билан монийлик Ўрта ва Марказий Осиё ҳудудларида узоқ вақт давомида бирга мавжуд бўлганлиги сабабли буддавийлик динининг монийликнинг шарқий тармоғига ўтказган таъсири шунчалик кучли бўлганки, ҳаттоки монийликга оид асарларда Моний баъзан Будда деб ҳам аталган. Ибн ан-Надим (X аср) нинг маълумотига кўра, Тухористондан Мовароуннаҳрга илк кўчиб ўтганлар орасида *сомонийлар* (*ас-саманиййа*), яъни буддавийлардан ташқари монийлар ҳам бўлган.

Абу Саъд ас-Самъонийнинг “Китоб ал-ансоб” асарида келтирилган Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомонийнинг шажарасида Асаднинг отаси Сомон эмас, Нуҳ деб кўрсатилган. Демак, тахмин қилиш мумкинки, Сомон-худотнинг ўз исми Нуҳ, Сомон-худот эса унинг унвони бўлган. Сомонийлар сулоласининг кейинги ҳукмдорларидан 2 таси ҳам Нуҳ исмига эга бўлган. Ўрта асрларда Ўрта Осиёда болаларга аждодларнинг исмини қўйиш анъана ва одат бўлган. Ривоятга кўра,

---

[14] Бу маълумот Сомон-худотнинг Баҳром Чубин авлоди бўлганлигига жавоб беради, чунки Сосонийлар империясида зардуштийлик давлат дини бўлган. Баҳром Чубин ҳам шу динга эътиқод қилганлиги ҳақиқатга кўпроқ тўғри келади.

туркларнинг бобокалони Турк ибн Йофас ибн Нуҳ бўлиб, улар Нуҳ пайғамбар (Инжилда Ной) ва унинг ўғли Йофас (Инжилда Иафет) нинг авлодлари бўлганлар. Шунинг учун тахт ворисларига Нуҳ исмини қўйиш фақат подшоҳларга хос амал бўлган.

### ***Жаббохон***

Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) нинг маълумотига кўра, Сомонийларнинг келиб чиқиши Бармакийлар билан бир бўлиб[15], улар Жаббохон исмли бир хоннинг авлодлари бўлганлар. Жаббохон эса Тухористон жабғулари сулоласига мансуб бўлиб, Хусрав I Ануширвон (531 – 579 йилларда ҳукм сурган) аскарлари Балхни ишғол қилган вақтда ёки хитой зиёратчиси Сюань Цзан Балхга келган вақтда (630 й.) шаҳар ҳокими бўлган. Балх ҳокими Жабғухон VI асрнинг 80-йилларида Сосонийларга тобеъ бўлган ва Хурмазд IV томонидан юборилган Баҳром Чубин аскарлари билан бирга Балхга ҳужум қилган Бомиён ва Кобулшоҳнинг қўшма аскарларига қарши жангда қатнашган. “Фазоил-и Балх” да ёзилишича, исломгача Навбаҳор ибодатхонасининг асосчилари Бармакийлар Балхнинг ғарбий теварагида жойлашган Жаббохон номли маҳалладан келиб чиққанлар ва ўша ерда истиқомат қилганлар.

Балхнинг эфталий ва турк ҳокимлари Сосонийларга тақлид қилиб, тангаларида ўзларининг сулолавий *йабғу – yabgu Bahlikano*, яъни «Балх йабғуси» ёки «Бактрия йабғуси» унвонини қайд этганлар. VI асрнинг иккинчи ярмида Балхда Хусрав I Ануширвон тангалари зарб этилган, VII асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб эса Балхда яна турк йабғулари номидан тангалар зарб этилган. Балх шаҳрини VII асрда зиёрат қилган хитой саёҳатчиси Сюань Цзан уни “кичик подшоҳ шаҳри” деб атаган.

XII асрда ас-Самъоний Балх шаҳар дарвозаси ёнида жойлашган Жаббохон номли қишлоқни IX – X асрларда мавжуд бўлганлигини қайд этган. Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, эски ‘*ийдгоҳ* (ёки *мусалло-и қадим*), яъни умумий намоз ўқиш ва диний маросимлар ўтказиш жойи билан янги ‘*ийдгоҳ* (*мусалло-и жадид*) ўртасидаги ер Жаббохонобод деб аталган. Бу ерда, Балх рабади деворининг ташқарисида, баланд деворлар билан ўралган Қалъа-и Жаббохон қалъаси ва Жаббохоннинг қасри жойлашган. Балхнинг *шаҳр-и берун*, яъни ташқи шаҳар қисмининг ғарбий деворидаги Дарб-и Вақиъа дарвозаси ҳам Жаббохон дарвозаси деб аталган. Бу дарвоза XVII асрда қурилган бўлиб, унинг ёнида *шаҳристон* томонга давом этган Гузар-и Жаббохон ном-

---

[15] Бармакийларнинг Сомонийлар билан қариндош бўлганлигига В.В.Бартольд ҳам ишора қилган.

ли маҳалла жойлашган. Исломгача Балхда мавжуд бўлган Боб ат-Турк (Дарвоза-йи Турк) дарвозаси айнан шу ерда жойлашган бўлиши мумкин.

Маҳмуд ибн Вали маълумотига кўра, Жаббохоннинг Фо'из (ёки Қо'ин) исмли акаси бўлиб, улар дастлаб Балх рабадининг жанубий қисмида жойлашган Ҳисн-и Куфаж қалъасида яшаганлар. Улар орасидаги муносабатлар ёмон бўлгани туфайли Жаббохон ўзи учун янги қалъа қуришга мажбур бўлиб, уни Қарийа-и Жаббохон (яъни Жаббохон қишлоғи) деб атаганлар. Ўзининг Сомон исмли ўғлига у алоҳида қишлоқ қуриб, уни Қарийа-и Сомон (яъни Сомон қишлоғи) деб атаган. Бу иккала қишлоқ умумий қалъа деворлари билан ўралган бўлиб, кейинчалик ʻАбдулмўминхон (XVII аср) томонидан таъмирланган ва мустаҳкамланган. Қалъа деворлари ичидаги бу икки қишлоқда Жаббохон ва Сомон авлодлари истиқомат қилганлар. Бармакийлар оиласи ҳам шу ердан келиб чиққан. Халифа Ҳорун ар-Рашиднинг вазири ал-Фадл ибн Йаҳйо ал-Бармакий Хуросон амири бўлган вақтда бу ердан ўтиб кетаётганда, Балх уламолари ва деҳқонлари олдида сўзга чиқиб, шундай деган: Жаббохон маҳалласи унга бобокалони Жаббохон томонидан мерос бўлиб қолган бўлиб, исломгача даврда у Навбаҳор ибодатхонаси ва монастирини ҳам бунёд этган. Уламолар унга жавобан айтдиларки, агар вазир ўзининг аждоди Жаббохон қурган маҳаллага янги ариқ ўтказса савоб иш бўлар эди.

XVII асрда *шаҳристон* нинг ғарбий қисмида ўша даврнинг энг катта хиёбони жойлашган бўлиб, Боғ-и Хоний деб аталган ва ўзбек хони Надр Муҳаммадхонга қарашли бўлган. У шарқдан ғарбга Жонкелдибий масжидидан Дарвоза-и Жаббохонгача, кенглиги эса Дих Шайх дарвозасидан Жаббохон дарвозасининг шимолий буржларига қадар давом этган. Унинг ичидаги гулзорлар ичида бир нечта баланд иморатлар ва чиройли қасрлар қад кўтарган. Бу боғ XI асрда Боғ-и Бузург деб қайд этилган. Абу-л-Фазл Байҳақийнинг ёзишича, *шаҳристон* да жойлашган бу боғда уч марта (422/1031, 423/1032, 427/1036 йилларда) амир Масъуд Ғазнавий ўзининг сарой аҳли ва девонлари билан бирга Балхга келганида тўхтаган[16]. Айтишимиз мумкинки, бу боққа Балхнинг исломдан олдинги ҳокими Жаббохон асос солганлиги ва унда ўзи яшаганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ал-Хоразмийнинг ёзишича, *ғузлар* ва *қарлуқлар* ўзларининг подшоҳларини Жаббуйа деб атаганлар. VII асрда ёзилган паҳлавий манбаларида Сосонийларнинг Балхдаги душмани сифатида Йаббу-хоқон қайд этилган. Арман манбаъларига кўра, Турк хоқонлигининг ғарбий

---

[16] Бу боғ жуда кенг ва сўлим ер бўлган. Унинг ўртасидан сой ўқиб ўтган бўлиб, унда шаршара барпо этилган.

қисмининг ҳокими Жебу-хаган, яъни Жабғу-хоқон деб аталган. Ғарбий Турк хоқонлигининг олий хоқони Тун йабғу-хоқон (618 – 630 йилларда ҳукм сурган) Жабғухон деб аталган. Тун йабғу-хоқоннинг 625 йилда Тухористон ва Гандҳарани қўлга олиши муносабати билан зарб этган медальонида у *jeb MLK'n MLK*, яъни «*жеб* (*жабғу*) *шоҳаншоҳ*» ёки «*жеб* (*жабғу*) подшоҳларнинг подшоҳи» деб аталган. Ўрта асрларда Кашмир чегарасида Жабхон номли ер қайд этилган.

Юқорида қайд этилган маълумотлардан кўринадики, *жаббуйа*, *жебу*, *йаббу* ва *йеб* (*жеб*) сўзлари *йабгу* ёки *жабғу* номли туркча унвоннинг турлича шаклларидир. Юқорида зикр этилган Балх ҳокими Жаббохон исми ҳам худди шу унвон билан боғлиқдир. Ушбу исм ўрта аср манбаларида турли шаклларда (Жаббо, Жабо, Жубо, Жуто, Жамчон, Жасимон, Жисмон, Жусмон, Хамитон, Худот, Хуто, Хамон, Сосон ва ҳ.к.)[17] Сомон-худот отасининг исми сифатида қайд этилган[18]. Жаббохоннинг тарихий шахс бўлганлиги шубҳасиздир, чунки унинг исми бир-бири билан боғлиқ бўлмаган бир нечта мустақил манбаларда қайд этилган: ал-Балхий (XII), Абу Саъд ас-Самъоний (XII аср), Ёқут ал-Ҳамавий (XIII аср), Ибн Тағриберди (XV аср), Ҳофиз-и Таниш (XVI аср) ва Маҳмуд ибн Вали (XVII аср). Тахмин қилиш мумкинки, Жаббохон исми аслида Тўғрул исмли подшоҳнинг унвони бўлган, у эса Сомон-йабғунинг отаси бўлиб, илк ислом даврида Балх ҳокими бўлган.

## *Мансур ибн Нуҳ медальони*

Оксфорд университетининг нумизматик коллекциясида 358/968-69 йилда Мансур I ибн Нуҳ (350 – 365/961 – 976 йилларда ҳукм сурган) зарб этган кумуш медальон сақланади[19]. Унинг юз томонида ўнг тарафга қараган ҳукмдорнинг сурати, унинг икки томонида эса паҳлавий ёзувлар туширилган. Ўнг томондаги ёзув *yyp MLK''n MLK'*, яъни "*йеб* подшоҳларнинг подшоҳи" (ёки *йеб шоҳаншоҳ*), чап томондаги ёзув эса ŠHN деб ўқилади. Медальоннинг орқа томонида одатдаги мусулмон калималари (*Lā Ilāha illā-Allah wahdahu wa lā sharīka lahu Muhammadun Rasūl Allāh*) ва халифанинг исмидан кейин арабчада ал-Малик Мансур ибн Нуҳ – "подшоҳ Мансур ибн Нуҳ" сўзлари ёзилган.

---

[17] Айрим манбаъларда Хаййо (حيا) шаклида берилган.

[18] Бу исмнинг араб графикасидаги ёзилиши (جبا , جتا , حيا , جيمثيان , جيثمان , جمجان , جثيمان , جثمان , حميتان , خداة , ختا , هامان, ساسان ) уларнинг ҳаммасини Жаббо (جبا ) ёки Жаббо-хон (جباخان ) деб ўқишга имконият беради.

[19] Бу медальоннинг суратини бизга инглиз олими Люк Тредвелл тақдим этгани учун унга миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Медальондаги ҳукмдорнинг сурати алоҳида аҳамият касб этади. Унинг қиёфаси антропологик тузилиши европеоид ва монголоид хусусиятларни ўз ичига олган бўлиб, унда монголоид аломатлар кўпроқдир. Унинг бурни қирра бўлиб, бундай бурунлар ўғуз туркларига хос бўлган. Юзининг тепа қисмида бўртиб турган суяк эса мўғулий иркга мансуб қипчоқларга хос бўлган. Кўзи катта ва чўзинчоқ, бодомсимон шаклга эга, қовоқлари эса бодомқовоқ бўлган. Бошида ғаройиб ва мураккаб бош кийими кийдирилган. Қулоғида учта тошли зирак осилиб турибди. Орқасида кокил қилиб ўрилган соч бош кийим тагидан пастга қараб тушиб турибди.

Сурат VII – VIII асрларда Тухористон, Кобул ва Гандхарадаги турк ҳукмдорларининг шоҳаншоҳ Хурмазд IV тангаларига тақлид қилиб зарб этган тангалардаги суратларга жуда ҳам ўхшашдир[20]. Лекин олий турк ҳоқони Тун йабғунинг ўғли ва Тухористон ва Гандхара йабғулари сулоласининг асосчиси Тарду-шод тахминан 625 йилда Қундузда эфталитлар устидан ғалаба қозонганлиги муносабати билан зарб этдирган медальон унга тўла мос келади. Бу медальондаги тасвирларда бир тарафдан шоҳаншоҳ Хурмазд IV нинг драҳмаларига тақлид қилинган бўлса, иккинчи тарафдан ҳинд диний анъаналарига риоя этилган. Бу медальонда Тун йабғу-хоқоннинг сурати акс этдирилган бўлиб, у *jeb MLK''n MLK'*, яъни "*йеб* (*йабғу*) *шоҳаншоҳ*, (ёки *йеб* подшоҳлар подшоҳи) деб аталган.

Бизнингча, ушбу медальоннинг юз томони Мансур ибн Нуҳ медальонининг юз томонига намуна бўлиб хизмат қилган. Бу икки портретнинг ўзаро ўхшашлигини деярли барча тафсилотларда кўриш мумкин – ўшандай катта бодомсимон кўз, кокил қилиб ўрилган соч, эгнидаги кафтан ва буқа шоҳлари ўрнатилган қанотли бош кийим. Фарқ фақат шундаки, Мансур ибн Нуҳ медальонида тасвирланган ҳукмдорнинг қиёфасида монголоид аломатлар кўпроқ, қулоғидаги зирак эса Тун йабғу-хоқон зирагидек 3 тошдан эмас, бир тошдан иборат. Иккала медальонда ҳам портретдан ўнг ва чап томонда паҳлавий ёзувлар туширилган. Тун йабғу-хоқон медальонининг орқа томонида қурбонлик келтириладиган меҳроб ва икки коҳин, шунингдек сочлари олов бўлиб ёниб турган Шива худосининг сурати тасвирланган. Мансур ибн Нуҳ медальонининг орқа томонида эса бу тасвир ўрнига арабча ёзувлар туширилган.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Сомонийларнинг аждодлари, шу жумладан Сомон-худот, Кўк турк хоқони Тун йабғу хоқоннинг ўғли Тарду шод асос солган Тухористон йабғулари сулоласига

[20] Айниқса Хинду Шахи-тегин, Васудева, Тухористон йабғулари ва Арахосия ҳукмдорларининг тангаларидаги суратлар унга жуда яқиндир.

мансуб бўлган. Ўз вақтида А.З.Валидий Тўғон Сомон-худот аждодлари Кукам-хон[21] исмли олий турк хоқонининг авлодлари бўлганлиги ҳақида фикр билдирган эди. Тухористонда 150 йилдан ортиқ вақт давомида ҳукм сурган йабғулар сулоласининг асосчилари Турк хоқонлигига асос солган Кўк турк қабиласига мансуб бўлганлар.

Мансур ибн Нуҳ медальонида тасвирланган ҳукмдорнинг кимлиги аниқ эмас. У Тун йабғу-хоқон ёки бошқа Кўк турк хоқони бўлиши мумкин, чунки у "подшоҳлар подшоҳи", яъни шоҳаншоҳ унвони билан аталган. Бу эса шундан далолат берадики, Сомонийлар олий турк хоқонларини ўзларининг аждоди сифатида эъзозлаганлар. Бу қариндошлик алоқаси Баҳром Чубин иштирокида бўлган, чунки у турк хоқони Эл-тегин (Пармуда) нинг қизига уйланган ва Тун йабғу-хоқон билан деярли бир замонда яшаган. Мансур ибн Нуҳ медальонида Элтегин (Пармуда) хоқоннинг сурати тасвирланган бўлиши ҳам мумкин.

Лекин, "подшоҳлар подшоҳи" (*шоҳаншоҳ*) унвони кушан подшоҳларининг тангаларида ҳам *shaonanoshao* шаклида кхарошти ёзувида қайд этилган. Демак, бу унвон фақат Кўк турк хоқонларига эмас, балки Тухористон йабғуларига ҳам тегишли бўлиши мумкин, чунки улар ўзларини кушан подшоҳларининг меросхўрлари деб билганлар. Лекин, бир нарса аниқки, Мансур ибн Нуҳ медальонида тасвирланган ҳукмдор унинг аждодларидан бири бўлган. У ё Жаббохон, ё Сомонхудот бўлиши ҳам мумкин.

Хитой манбаларида 588 йилдан 750 йилгача ҳукм сурган Тухористоннинг турк йабғуларининг исмлари келтирилган бўлиб, улар аввал Қундузда, кейин Балхда, араблар келгандан кейин эса Бадахшонда истиқомат қилганлар. Сомон-худотнинг отаси Жаббохон ҳукм сурган вақти шу сулоланинг охирги вакилларидан бирига тўғри келади. Тухористоннинг биринчи йабғуси Эл-тегин (Пармуда) (588 – 590 йиллар) бўлган, ундан кейин Тун йабғу-хоқоннинг ўғли Тарду-шод (618 – 630 йиллар), кейин Ишбара йабғу (630 – 650 йиллар), кейин Ашина Учебо (653 – 660 йиллар), кейин Гунн Ишбара йабғу (660 – 700 йиллар), кейин Надунили (700 – 720 йиллар), кейин Қутлуғ Тун Тарду (720 – 730 йиллар), кейин Шилиман Гало (тахминан 750 й. атрофларида). Жаббохон ва Сомон-худот ҳукм сурган давр бу сулоланинг охирги уч вакили ҳукм сурган вақтга тўғри келади.

---

[21] Бу хоқоннинг исми Рашид ад-Динда – Кукам Йавкуй, у Абу-л-Ғозийда – Кукам Бакуй, Ибн ал-Балхийда – Кукам Хоқон, ат-Табарийда эса – Сир Йабғу деб аталган бўлиб, у Истами-йабғу ва Дизавул билан бир шахсдир. Унинг қизи Хусрав I Ануширвоннинг хотини ва Хурмазд IV нинг онаси бўлган.

## *Сомон-йабғу*

Бу масалага оид айрим халқ ривоятлари ҳам диққатга сазовор бўлиб, уларда Сомон-худот ўғуз туркларининг афсонавий подшоҳлари орасида қайд этилган. Рашид ад-Дин маълумотига кўра, Токуз (ёки Дукур[22]) Йавкуй исмли подшоҳдан кейин Мовароуннаҳрда Сомон Йавкуй исмли аслзода хон ҳукм сурган бўлиб, уни Сомон-худот деб ҳам атаганлар, у Сомонийлар сулоласининг бобокалони бўлган. Абул-Ғозий ҳам худди шу хонни «Аслзода» деб қайд этиб, у 20 йил ҳукм сурганлигини айтган. Унинг маълумотига кўра, у 10 йил ҳукм сурган Арслонхон исмли хондан кейин, Салжуқийларнинг аждоди бўлган Арслонхондан ва Кукам Йавкуй исмли хондан олдин ҳукм сурган [Кононов 1958: 69]. Ибн ал-Балхий маълумотига кўра, Кукам Йавкуйнинг қизи шоҳаншоҳ Хусрав I Ануширвоннинг хотини ва Хурмазд IV нинг онаси бўлган[23]. Бу ривоятнинг бошқа бир нусхасида[24] айтилишича, «Йавкуй» сўзи «қабила бошлиғи» деган маънони англатиб, сулолавий исм сифатида ишлатилган.

Рашид ад-Дин келтирган ривоят Муслиҳ ад-Дин Муҳаммад ал-Лорий (XV аср) нинг «Мир’от ал-адвор ва мирҳот ал-ағйор» (Замон кўзгуси ва ўзгалар ҳаёти) асарида ҳам баён этилган. Унда айтилишича, Сомонийларнинг бобокалони Сомон-йабғу[25] “Аслзода” деб ҳам аталган ва ўғуз туркларининг хони бўлган. Ислом тарқалган вақтда унинг уруғидан чиққан Тўғрул исмли подшоҳ, ундан кейин эса Сомон-йабғу ҳукм сурган. Худди шу подшоҳ, яъни Тўғрул, Рашид ад-Дин асарида Токуз (Дукур) Йавкуй деб қайд этилган. Муҳаммад ал-Лорий қўшимча қилиб айтадики, Сомон-йабғу Марв шаҳрига келганида, унинг тарбияси билан халифа ал-Ма’муннинг амирларидан бири Тоҳир Зу-л-Йаминайн[26] шуғулланади.

[22] Рашид ад-Диннинг «Жомиъ ат-таворих» асарининг Туркия нашрида (Анкара, 1957).

[23] Ибн ал-Балхий унинг исмини Kukem Yavquy (Baquy) шаклида эмас, Qoqim Khaqan шаклида берган. ат-Табарийга кўра, Хусрав I Ануширвоннинг хотини турк хоқони Сир-йабғунинг қизи бўлган, у эса Истами-йабғу Дизавул билан бир шахс бўлган.

[24] Баъзи маълумотларга кўра, “Ўғузнома” достони исломдан олдинги даврда битилган бўлиб, унинг иккита ҳар хил нусхаси бўлган. VIII асрда уларнинг бири паҳлавий тилига, IX асрда эса араб тилига таржима қилинган. Кейинги даврларда у янги маълумотлар билан тўлдириб борилган.

[25] Матнда: سامان باوغي – Сомон-бовғи.

[26] Бу ерда Хуросондаги Тоҳирийлар сулоласининг асосчиси Тоҳир ибн ал-Ҳусайн (159 – 207/775 – 822 йиллар) назарда тутилган.

Ҳамдуллоҳ Қазвиний (XIV аср) маълумотига кўра, Баҳром Чубиннинг авлодлари исломгача Мовароуннаҳр ҳукмдорлари бўлганлар, Сомон-худотнинг отаси эса ҳарбий қўмондон бўлган. Араблар келгандан кейин унинг аҳволи ёмон бўлиб қолиб, у бир деҳқон қўлида туякашлик қилишга мажбур бўлади. Лекин унинг келиб чиқиши зотли бўлгани туфайли у ўзининг бундай ҳолатидан рози эмас эди. Шунда у Туркистонга кетиб, у ерда қароқчилик билан шуғулланди. Бир қанча вақтдан кейин унинг кучлари кўпайиб, у Ашнос[27] шаҳрини қўлга олишга муваффақ бўлади ва у ерда ўз ҳукмини ўрнатади. Худди шу маълумотни Хондамир (XV аср) ҳам келтирган бўлиб, унинг ҳикоясига кўра, Сомон-худотнинг отаси аш-Шош шаҳрини қўлга олган.

### *Арқуқ*

Термиз саййидларининг тарихига бағишланган «Саъдийа» асарида (XVII аср) ёзилишича, ‘Аббосийлар Хуросонда ғалабага эришганда, Фарғонадан Термизга Баҳром Чубин авлодларидан бўлган Арқуқ ёки Арқақ исмли бир одам келган. Термиздан у Балхга келиб, у ерда у имом ал-Ҳусайн ибн ‘Али[28] нинг авлоди бўлган саййид Ҳасан ал-Амир ёрдамида ислом динини қабул қилган. Шундан кейин у Бағдодга халифа олдига бориб, Ҳасан ал-Амирнинг тавсияси билан Балх ҳокими этиб тайинланади. Ҳасан ал-Амир Термизни обод қилиш мақсадида у ерга кўчиб ўтишга қарор қилганда, Арқуқ (Арқақ) ҳам у билан бирга кетиб, ўзида бор маблағларни унга тақдим этади ва ўзи ҳам шаҳарни тиклашда иштирок этади. У Термиз яқинида бир қишлоққа асос солиб, у ерда боғлар барпо қилади ва ўзи ҳам унда яшай бошлайди. Шунинг учун уни Сомон қишлоғи деб атаганлар. Бу ерда у ўғил кўриб, унга Асад деб исм беради. У отасидан кейин унга тегишли бўлган барча вилоятларда ҳокимлик қилади. Асаднинг уч ўғли бўлади – Нуҳ, Наср ва Исмоил. Улар вояга етганда, Асад Насрни Самарқанд ҳокими этиб тайинлайди, ўзи эса Фарғонага кетиб, ўша ерда вафот этади. XIX асрда Термизнинг бир тевараги Шаҳр-и Сомон деб аталган, Эски Термиздан 3 км шарқда жойлашган Қирк-қиз қалъаси эса Сомонийларнинг саройи бўлганлиги ҳикоя қилинган.

Сомон-худотнинг Фарғонадаги қариндошлик алоқалари шубҳасиздир, чунки унинг бобокалони Баҳром Чубин Кўк турк хоқони Эл-

---

[27] Ашнос – Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасида Жанд два Сиғноқ шаҳарлари ўртасида жойлашган шаҳар. Лекин бу матнда Ашнос эмас, аш-Шош деб ўқилиши керак.

[28] Термиз саййидларининг шажараси Зайн ал-‘Обидин ‘Али ибн ал-Ҳусайннинг набираси ‘Убайдуллоҳ ал-Аъраж (Чўлоқ) га бориб тақалади.

тегин (Пармуда) нинг қизига уйланиб, умрининг охирида айнан шу ерда яшаган[29]. Агар Эл-тегиннинг буддавий динига эътиқод қилганини ҳисобга олсак, Баҳром Чубиннинг унинг қизидан бўлган авлодлари Қубо шаҳрида яшаган, деб тахмин қилиш мумкин, чунки у ерда VII – VIII асрларда турклар асос солган катта буддавий ибодатхонаси фаолият кўрсатган.

Бу ривоятда яна шуниси диққатга сазоворки, унда Сомон-худотнинг ҳақиқий исми Арқуқ (Arquq) ёки Арқақ (Arqaq) бўлганлиги уқтирилган. Arquq (Arqaq) исми Qunaq, Tuqaq, Tutaq, Seljuq каби қадимги туркий исмларга[30] ўхшаш соф туркча исм бўлиб, *-aq* (*-qaq*, *-γaq*) ёки *-uq* (*-quq*, *-γuq*) қўшимчаси ёрдамида ясалган. Қадимги турчада *arquq* сўзи «ўжар» маъносини, *arquq kiši* бирикмаси эса «ўжар одам» маъносини билдиради.

### *Кокулдор*

Худди шу ривоятнинг XVIII асрда ўзбек тилида битилган бошқа бир нусхасига кўра[31], Сомон-худотни маҳаллий халқ «Кокулдор» деб ҳам атаганлар. Бу исм форсчада “кокули бор одам” маъносини билдиради. *Кокул* сўзи сочнинг бир ўрамга тўпланиб, орқага осилиб турган ҳолатига нисбатан ишлатилган. Қадимда бундай соч ўриш услуби хунларга[32], илк ўрта асрларда эса асосан фақат туркларга хос бўлиб[33], бу ҳақда хитой манбаларидаги маълумотлар[34], тасвирий санъат асар-

---

[29] Бошқа маълумотларга кўра, Сомонийлар Уструшанадан келиб чиққан.

[30] Масалан, Alijaq, Alp-Tughaq, Artuq, Asaq, Bajnaq, Barcuq, Barquq, Barkiyaruq, Bursuq, Buzuq, Damqaq, Imlaq, Kerinjuq, Oyunaq, Qabajiq, Qarajiq, Qarluq, Qaylaq, Oghurjiq, Qultaq, Qunaq, Qurjuq, Qušluq, Duqaq, Saltuq, Tuqaq, Tutaq, Satuq, Seljuq, Tughluq, Učuq, Ulaq, Yuluq, Yarmaq, Yasaq, Yumaq ва ҳ.к.

[31] Бу қўлёзма Термиз шаҳридаги бир шахсий кутубхонада сақланади. У ҳақидаги маълумотни биз т.ф.н. Жалолиддин Мирзодан олдик ва унга миннатдорчилигимизни билдирамиз.

[32] Мўғилистонда м. а. I асрга мансуб қабрларда кесилган кокул сочлар топилган. Бу мусибат ва аза маъносини билдирган.

[33] Балх вилоятидаги Жиға-тепа харобаларида III – IV асрга мансуб муҳр излари топилган бўлиб, унда сочи кокул қилиб ўралган туркларнинг суратлари туширилган.

[34] Хитой саёҳатчиси Сюань Цзан (VII аср) Су-е (Суйаб) шаҳрига келганда, турк хоқони овга кетаётган экан. Унга сочлари кокул қилиб ўрилган икки юздан ортиқ *даганлар* (яъни *тархонлар*) ҳамроҳ бўлиб юрган. VI асрда Гаочан (Турфан) аҳолиси ҳам сочларини кокул қилиб ўриб юрган. Чан Чун (1221 й.) нинг ёзишича, Самарқанд ҳокими туркча одатларга риоя қилиб, сочини кокул қилиб ўриб юрган.

лари, эпиграфик ёдгорликлар[35] ва ҳайкал санъат асарлари[36] далолат беради.

Термиз яқинидаги Намуна қишлоғида жойлашган Султон-Саодат мажмуаси ёнида XVI в. асрда бунёд этилган Кокулдор хонақоҳи мавжуд бўлиб, унинг ичи мақбараларга тўла. Бу мавзолейнинг келиб чиқиш тарихи ва унинг кимга бағишлаб қурилганлиги номаълум. Тахмин қилиб айтиш мумкинки, бу ерда Сомон-худот авлодларининг дастлабки оилавий мақбараси бўлган. Унинг ўзи эса, ривоятга кўра, умрининг охирида Фарғонага кетган ва ўша ерда вафот этган.

Кокулдор ҳақидаги халқ ривоятини тасдиқловчи бошқа манба ҳам мавжуд. Юқорида қайд этилган Мансур ибн Нуҳ томонидан 358/968-69 йилда чиқарган медальоннинг олд томонида тасвирланган ҳукмдорнинг бош кийими тагидан кокул қилиб ўрилган соч пастга қараб осилиб турибди. Бу медальонда Сомонийларнинг аждодларидан бири, эҳтимол, Жаббохон ёки Сомон-худот тасвирланган бўлиши мумкин.

* * *

Мавжуд маълумотлар асосида шундай хулоса чиқариш мумкинки, Баҳром Чубин қадимги кушан ёки массагет Аршакийлари конфедерацияси таркибига кирган қадимги туркий қабила ёки уруғга мансуб бўлиши мумкин. Эроний бўлмаган бошқа қўшни халқларнинг вакиллари сингари у ҳам Сосонийларнинг ҳарбий хизматида бўлган.

Баҳром Чубин Хуросон марзбони лавозимида бўлган вақтда Балх ва унинг атрофларида унга тегишли ерлар бўлган. Бу ерлари араблар босқинига қадар мавжуд бўлиб унинг авлодларига қарашли бўлган ва Чубин ёки Чубинобод деб аталган.

590 йилда Баҳром Чубин турклар билан битим тузиб, Балхда Сосонийларга қарши қўзғолон кўтарган ва пойтахт шаҳар Ктесифонни эгаллаган. У ҳокимиятни бир йил ушлаб турган, кейин эса Византия қўшинларидан мағлубиятга учраб, турклар олдига қочишга мажбур бўлган. У Тухористоннинг биринчи турк йабғуси, кейин эса Ғарбий турк хоқони Эл-тегин (Пармуда) нинг дўсти ва маслаҳатчисига айланиб, унинг қизига уйланган. Унинг охирги яшаган жойи Фарғонадаги

[35] Кокулли турк аскарлари Қирғизистоннинг Кўчқор водийсидаги Сити булоқ ерида топилган VII – VIII асрларга мансуб суякга чизилган суратларда, Олтой тоғларидаги VI – VIII асрларга мансуб қоя тош суратларида ва Сулек петроглифларида тасвирланган.

[36] Қадимги туркларнинг “балбал” лари, яъни марҳумларнинг ҳайкал тошларида ҳам кокул ўрилган сочларни кўриш мумкин. Фарғона водийсининг шарқий қисмидаги Қора булоқ харбаларида топилган одамнинг бронза ҳайкалчасида ҳам соч кокул қилиб ўрилган. Жарқўрғон яқинидаги Оқтепа харобаларида (VI – VII асрлар) юмалоқ юзли ҳайкал боши топилган бўлиб, унинг ҳам орқасида кокули бор.

Қубо шаҳри бўлиб, унинг турк маликасидан бўлган авлодлари, яъни Сомонийларнинг аждодлари ҳам ўша ерда яшаганлар. Турклар 618 йилда эфталийларни узил кесил енгиб, Тухористонни эгаллагандан кейин улардан баъзилари Балхга қайтадилар ва Баҳром Чубинга қарашли бўлган ерларни қайтариб оладилар. Жаббохон ва Сомон-худот Баҳром Чубиннинг тўртинчи ва бешинчи поғонадаги авлодлари бўлган.

Манбаларда Сомон-худотнинг келиб чиқиши турклардан бўлганига ишора қилувчи бир неча маълумотлар мавжуд. Улардан фақат баъзилари ишончли деб қабул қилиниши мумкин – ал-Муқаддасий (X аср) нинг Сомон қишлоғи турклари ҳақидаги маълумот, ас-Самъоний (XII аср) нинг Балх яқинидаги Жаббохон қишлоғи ҳақидаги маълумот ва шу исмли шахснинг X – XII аср манбаларида Сомонийларнинг аждоди сифатида қайд этилиши, «Фазоил-и Балх» (XIII аср) да Сомонийлар ва Бармакийларнинг Жаббохон қишлоғидан келиб чиққанлиги ҳақидаги маълумот ва уни тасдиқловчи Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) нинг «Баҳр ал-асрор» асаридаги маълумотлар. Сўнгги ўрта асрлар манбалари (Рашид ад-Дин, ал-Лорий, Муставфий-и Қазвиний, Мирхонд, ал-Устурлобий, «Саъдийа», Исмоил Сомоний вақфномаси) да келтирилган Сомон-худотнинг отаси, Сомон-йабғу, Арқуқ ва Кокулдор ҳақидаги маълумотлар ривоят бўлса ҳам, ҳақиқатда юз берган воқеалар ҳақида ахборот беради. Мансур ибн Нуҳ чиқарган медальонда Тун йабғу-хоқон ёки Жаббохоннинг сурати тасвирланганлиги эса бу маълумотларни тасдиқлайди.

Демак, мавжуд маълумотларга асосланиб, айтиш мумкинки, Сомон -худот Сосонийлар сулоласига тегишли бўлган форс оиласига мансуб бўлмаган, балки ўз бобокалони Баҳром Чубин сингари ўғуз туркларидан келиб чиққан. Баҳром Чубин Хуросоннинг эронийлашган қадимги ўғуз турклари ичидан етишиб чиққан бўлса, Сомон-худот унинг Ғарбий турк хоқонлари оиласининг маликаси билан тузган никоҳидан туғилган авлоди бўлган. Унинг она тарафидаги қариндошлари Фарғонадаги Қубо шаҳрида истиқомат қилганлар. Шунинг учун манбаларда Баҳром Чубин авлодлари исломгача Мовароуннаҳр подшоҳлари бўлган деб кўрсатилган. Чунки фақат олий турк хоқонлари оиласига мансуб подшоҳлар бутун Мовароуннаҳрда ҳукм суриши мумкин эди. Унинг отаси Жаббохон исломгача Балх ҳокими бўлиб, унвони *йабғу* (*жабғу*), исми эса Тўғрул бўлган. У Балхнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Жаббохон номли қалъада истиқомат қилиб, унинг ичида ўғли Сомон учун ҳам алоҳида маҳалла қуриб берган.

Жаббохон Навбаҳор номли буддавий ибодатхона ва хонақоҳнинг асосчиси бўлиб, шу ибодатхонанинг коҳинлари Бармакийлар унинг

авлодлари бўлган. Араблар 90/709 йилда Балх шаҳрини ишғол қилиб, Навбаҳор ибодатхонасини вайрон қилгандан кейин Жаббохон Туркистонга кетиб, ҳали туркларга қарашли бўлган аш-Шош шаҳрида ҳокимиятни қўлга олади, лекин 134/751-52 йилдаги Талос жангидан кейин бу шаҳар ҳам арабларга тобеъ бўлади.

Сомон-худот Марвга Фарғонадан келиб, Тоҳир ибн ал-Ҳусайн ёрдамида ислом динини қабул қилади. Ислом динини қабул қилгунга қадар у отаси Жаббохон ва Бармакийлар сингари буддавийлик динига эътиқод қилган. Унинг туркча исми Арқуқ, буддавий исми эса Сомон бўлган. Туркларнинг одатига кўра, у сочини кокил қилиб ўраб юрган, шунинг учун хуросонликлар унга Кокулдор деб лақаб қўйганлар. Отаси Жаббохон сингари у ҳам *йабғу* (*жабғу*) деб аталган бўлиб, бу унвон Тухористон туркий ҳукмдорларининг сулолавий унвони бўлган. Сомон-худот (Сомон-йабғу) Тухористоннинг турли вилоятлари (Термиз, Хутталон, Самангон) да бир нечта қишлоқларга асос солиб, бу қишлоқлар унинг исми билан Сомон деб аталган. Эҳтимол у оддий қишлоқларга эмас, балки бобокалони Эл-тегин (Пармуда) ва отаси Жаббохон сингари буддавий ибодатхона ва хонақоҳларга асос солган.

Сомон-худот ўзининг аждодлари сингари Ўрта Осиёнинг шаҳар туркларига мансуб бўлган. Ўрта Осиёнинг қадимги ўтроқ ва шаҳар туркларининг авлодларини XIX – XX аср бошларида кўчманчи турклар «сарт» деб атаганлар. Ўзларининг маданиятига кўра, улар кўчманчи туркий тилли халқлардан ҳам, ўтроқ эроний халқлардан ҳам кескин фарқ қилганлар. 1924 йилда большевиклар томонидан амалга оширилган маъмурий бўлинишдан кейин улар ҳозирги ўзбек халқининг этномаданий асосини ташкил этдилар. Демак, Сомонийлар сулоласининг Ўрта Осиёда ҳукм сурган даври ўзбек халқи давлатчилиги тарихининг ажралмас қисми сифатида баҳоланиши лозим.

## 2-қисм.
## ИСМОИЛ ИБН АҲМАД АС-СОМОНИЙ.

### *Аҳмад ибн Асад*

Абу Наср Аҳмад ибн Асад ибн Сомон ибн Жубо ибн Нийор ибн Нушард ибн Тамғот ибн Баҳром ибн Жубин ас-Сомоний Асад ибн Сомоннинг ўғли ва Сомон-худотнинг набираси бўлиб, 204/819-20 йилда Хуросон амири Ғассон ибн Аббод томонидан Фарғона ҳокими этиб тайинланган эди. Наршахийга кўра, Ғассон ибн Аббод Аҳмад ибн Асадни 202/817-18 йилда Марв ҳокими этиб тайинлаган. Лекин бу маълумот бошқа манбаларда тасдиқланмайди. 205/820-21 йилда Хуросон амири этиб тайинланган Тоҳир ибн ал-Ҳусайн, 207/822-23 йилда унинг ўрнига келган ўғли Талҳа ҳам Сомон ўғилларига Ғассон ибн Аббод томонидан берилган ерларни уларга қолдирдилар ва ўзларининг волийлари сифатида тасдиқладилар. 211 – 212/826 – 827 йилларда Хуросон амири Абдуллоҳ ибн Тоҳир ўзига тобеъ бўлган вилоятлар қаторида Фарғонадан 280 минг муҳаммадий дирҳам миқдорда хирож олишни белгилаган. Манбаларда Аҳмад ибн Асаднинг Фарғонада ҳукмронлик қилган даври ҳақида маълумотлар кўп эмас.

Араб тилидаги манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, IX асрнинг бошларига қадар Фарғона, Шош, Испижоб ва Ўтрор ерлари *харлухлар*, яъни *қарлуқларга* қарашли бўлган. X асрда ҳам бу ерларнинг аҳолисини қарлуқлар ташкил этган. Еттисув, Шош ва Фарғона турклари Мовароуннаҳрда Рофиъ ибн ал-Лайс бошчилигида арабларга қарши кўтарилган қўзғолон (806 – 810 йиллар) ни қўллаб-қувватлаганлари учун Аббосий халифаларининг вазири ал-Фадл ибн Саҳл Зу-р-Рийосатайн бошчилигидаги қўшин 197/813 йилда уларни жазолаш учун Фарғона ва Торбанд (Ўтрор) га юриш қилди.

Сомон ўғилларининг Уструшана, аш-Шош ва Фарғонада ўз ҳукмронлигини ўрнатиши дастлаб жуда қийин кечди, Аҳмад ибн Асад эса ҳатто Фарғонани тарк этишга ҳам мажбур бўлди, чунки 207/822-23 йилда Уструшана ва Фарғонада арабларга қарши қўзғолон кўтарилган эди. Ўша йили Хуросон волийси этиб тайинланган Талҳа ибн Тоҳир Уструшанага юриш қилиб, қўзғолонни бостирди. Халифа ал-Маъмун унга Аҳмад ибн Абу Холид ал-Аҳвал бошчилигидаги қўшинни ёрдамга юборди. Уларга Ҳайдар ибн Ковус ал-Афшин йўл кўрсатиб борди. Улар тўсатдан ҳужум қилиб, Уструшана подшоҳи Ковус ибн Саҳирни қўлга олдилар ва уни ўғли ал-Фадл билан бирга Бағдодга юбордилар. Бағдодда улар ислом динини қабул қилдилар ва Ковус ўзининг мамлакатида подшоҳ этиб қолдирилди. Шундан кейин Аҳмад ибн Асад Фар-

ғонага қайтиб, у ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. 225/839-40 йилда Нуҳ ибн Асад Испижобга юриш қилиб, уни қўлга олди, ва шаҳарнинг атрофидаги узумзорлар, боғлар ва экинзорларни ўраб турувчи мудофаа деворини қурдирди. Бу юришда унинг укалари Аҳмад ва Йаҳйо ҳам иштирок этган бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки ғайридинларга қарши олиб борилган бундай *ғазавот* (*жиҳод*) урушларида иштирок этиш у вақтда ҳар бир мусулмон учун шарафли иш ҳисобланар эди.

Сомонийлар оиласида уруғчилик қонун-қоидалари амал қилган бўлиб, унда олий ҳукмронлик отадан тўнғич ўғилга мерос бўлиб ўтган. Асад ибн Сомон ўғилларининг энг каттаси Нуҳ ибн Асад эди. Унинг вафотидан сўнг олий ҳукмронлик ундан кичикроқ укаси Аҳмадга ўтди. Аҳмаддан кейин ҳокимият унинг тўнғич ўғли Насрга ўтди. Бундай мерос тизими ислом давридаги барча туркий сулолаларга хос эди.

Нуҳ ибн Асаднинг тириклигида (204 – 227/819 – 842 йиллар) Мовароуннаҳрдаги барча мис тангалар фақат унинг номидан, Аббосий халифалар ва Тоҳирий амирларнинг ноиби сифатида зарб этилар эди. 227/841-42 йилдан кейин Бинкатда тангалар Йаҳйо ибн Асад номидан зарб этила бошлади. Аҳмад ибн Асад номидан зарб этилган тангалар маълум эмас.

227/841-42 йилда Самарқанд ҳокими бўлган акаси Нуҳ ибн Асад вафот этгандан кейин Самарқанд шаҳрида Аҳмад ибн Асад ва Йаҳйо ибн Асад маълум вақт биргаликда ҳукм сурдилар. 241/855-56 йилда Йаҳйо ибн Асад вафот этгандан кейин Самарқанд Аҳмад ибн Асаднинг қўлида қолди ва тўнғич ўғли Насрни Самарқандга ҳоким этиб тайинлади. Аҳмад укаси Йаҳйога қарашли бўлган аш-Шош ва Уструшанани ҳам ўз қўл остига олди ва у ерга Йаъқуб исмли ўғлини ҳоким этиб тайинлади. Шундай қилиб, Мовароуннаҳрда Аҳмад ибн Асад хонадонининг нуфузи ортди. Наршахийнинг ёзишича, Аҳмад ибн Асад олим ва порсо бир киши эди ва умрининг охиригача Самарқандда яшади. Аҳмад ибн Асад ҳадис илмини ўрганиб, Суфйон ибн ‘Уйайна, Исмоил ибн ‘Алиййа, Йазид ибн Ҳорун ва Ман- сур ибн ‘Аммор каби арабистонлик муҳаддислардан таҳсил олган ва ўзи ҳам ҳадис ривоят қилган. Аҳмад ибн Асад 250/864-65 йилнинг *шаввол* ойида Фарғонада вафот этган.

### *Аҳмад ибн Асаднинг ўғиллари*

Аҳмад ибн Асаднинг 7 та ўғли бўлган: Наср, Йаъқуб, Йаҳйо, Асад, Исмоил, Исҳоқ ва Ҳомид.

Аҳмад ибн Асаднинг тўнғич ўғли ва вориси Абу-л-Ҳасан Наср ибн Аҳмад ибн Асад ибн Нуҳ ас-Сомоний Наср ибн Аҳмад ғайридинларга қарши ғазавот урушлари олиб борган. Унинг 300 минг аскар билан Шовғарга юриш қилгани маълум. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг "Қандия" асаридаги маълумотга кўра, Шовғар юриши 245/859-60 йилда амалга оширилган бўлиб, у ерда кўп минг одам ўлдирилган эди. 241/855-56 йилда Наср ибн Аҳмад Самарқандга ҳоким этиб тайинланди. Отасининг вафотидан кейин эса 250 – 261/864 – 875 йиллар давомида у Самарқанд ва Фарғона ҳокими бўлди. Тоҳирийлар ҳукмронлиги тугатилгандан кейин 261/874-75 йилда халифа ал-Муътамид (256 – 279/870 – 892 йилларда ҳукм сурган) Наср ибн Аҳмадни Хуросондан мустақил бўлган Мовароуннаҳр вилоятининг волийси сифатида тасдиқлади. 274/887-88 йилда Наср Самарқандда бутун Мовароуннаҳр ҳукмдори сифатида кумуш тангалар зарб эта бошлади. Наср бу лавозимни умрининг охиригача, яъни 279/892-93 йилгача эгаллаб келди.

Нумизматик маълумотларга кўра, Аҳмад ибн Асаднинг вафотидан сўнг (250/864-65 й.) Фарғонада унинг ўғиллари ўртасида тахт учун кураш бошланиб, ҳокимият Абу-л-Ашъас Асад (264 ва 269 ҳ. йй.) нинг қўлига ўтди. 275/888 йилда Аҳмад ибн Асаднинг ўғиллари ўртасида тахт учун кураш қайтадан бошланди. Бир тарафда Наср ва Асад, иккинчи тарафда эса Исмоил ва Исҳоқ эдилар. Бу курашда Асад ибн Аҳмад мағлубиятга учради ва ҳокимият Исҳоқ ибн Аҳмад (Ахсикат, 278, 284 ва 290 ҳ. йй.) нинг қўлига ўтди. 295/907 йилда Исмоил ибн Аҳмад Бухорода вафот этганда, Исҳоқ ибн Аҳмад унинг ўғли Аҳмад ибн Исмоилга қарши чиқиб, марказий ҳокимиятга даъво қила бошлади. Аҳмад ибн Исмоил уни ҳибсга олди ва 298/910-11 йилда озодликка чиқариб, Самарқанд ва Андижон ҳокими этиб тайинлади. 301/914 йилда Аҳмад ибн Исмоил ўлдирилгандан кейин Исҳоқ ўғиллари билан яна марказий ҳокимиятга қарши исён кўтариб, Мовароуннаҳр ва қисман Хуросондаги кўп шаҳарларни эгаллашга муваффақ бўлди. Шу йилда у ўзининг кумуш тангаларини чиқара бошлади. Лекин кўп ўтмай, исён бостирилди ва Исҳоқ яна ҳибсга олиниб, зиндонда ўлди. Шундан кейин Фарғона Асад ибн Аҳмаднинг Муҳаммад исмли ўғлининг қўл остига ўтди.

### *Исмоил ибн Аҳмад*

Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад ибн Сомон 234/849 йилнинг *шаввол* (апрель-май) ойида Фарғонада туғилган. Унинг отаси вафот этганда (250/864-65 йил) Исмоил 14 ёшда эди.

Сеистондаги Сафдорийлар сулоласининг асосчиси Йаъқуб ибн ал-Лайс 259/872-73 йилда Тоҳирийлар ҳукмронлигини тугатиб, Хуросонда ҳокимиятни ўз қўлига олди. Хуросондан қочган Ҳусайн ибн Тоҳир ат-Тоҳирий 260/873-74 йилда хоразмлик навкарлар билан Бухорони эгаллаб, аҳолини талон-тарож қила бошлади. Бухоро аҳли унга қарши исён кўтариб, уни шаҳардан ҳайдаб чиқардилар. Кейин Бухоро уламолари Самарқанд ҳокими Наср ибн Аҳмадга мактуб ёзиб, Бухорога ҳоким юборишни сўрадилар. Наср укаси Исмоил ибн Аҳмадни Бухорога ҳоким қилиб юборди. Исмоил Бухородан ҳар йили акаси Насрга 500 минг дирҳам миқдорда хирож тўловини юбориши керак эди. Лекин Исмоил келишилган маблағни вақтида юбормади. Шундан кейин Насрнинг жаҳли чиқди ва улар ўртасида адоват бошланди. 275/888-89 йилда Наср Бухорога қўшин тортди ва Исмоил ибн Аҳмад билан жанг қилди. Бу жангда Исмоил ғолиб келди, лекин у акасига ҳурмат ва илтифот кўрсатиб, уни Самарқандга қайтарди. Шундан кейин бутун Мовароуннаҳрдаги олий ҳокимият амалда Исмоилнинг қўлига ўтди, Наср эса фақат Самарқандда ҳоким бўлиб қолди ва 4 йилдан сўнг 279/892-93 йилда вафот этди. Наср ибн Аҳмаднинг вафотидан кейин Исмоил ибн Аҳмад Самарқандга унинг ўғли Аҳмад ибн Насрни ҳоким этиб тайинлади ва Бухорога қайтди. Ўша йилда халифа ал-Муътадид Исмоил ибн Аҳмадни Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг олий ҳукмдори этиб тайинлади ва унга буни тасдиқловчи ёрлиқ юборди. Пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилди ва Сомонийлар сулоласининг охирги вакилигача уларнинг қароргоҳи бўлиб қолди.

Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний сиёсий мақсадда Термиз саййидларининг оиласига мансуб қизга уйланган эди. Натижада унинг авлодларининг томирларида Муҳаммад пайғамбарнинг қони оқа бошлади. Бу билан мусулмонларнинг кўз ўнгида Сомонийларнинг ҳокимияти яна ҳам қонуний, шаръий ҳисобланар эди.

Ўша вақтда Хуросоннинг кўп қисми Амр ибн ал-Лайс ас-Саффорнинг қўл остида эди. У кучайиб, Хоразм ва Мовароуннаҳрга ҳам таҳдид қилаётган эди. Унинг тазйиқи остида халифа ал-Муътадид 285/898 йилда Мовароуннаҳр ва Балх волийлигини Исмоил ибн Аҳмаддан олиб, Амр ибн ал-Лайсга беришга мажбур бўлди ва бу ҳақида фармон чиқарди. Фармонни қўлига олгач, Амр Нишопурдан қўшин билан шимолга қараб юриб, Тухористондаги Абу Довудийлар ва Жузжондаги Фариғунийларни ўзига содиқликка қасамёд қилишга даъват этди. 287/900 йилда Исмоил ибн Аҳмад қўшин билан Амударёдан кечиб ўтиб, Омул шаҳридан жанубда Амр ибн ал-Лайс юборган қўшин билан жангга киришди ва уларни мағлубиятга учратди. Жангда Амрнинг 6 минг аскари ҳалок бўлди. Қўшиннинг қолган-қутганлари Нишопурга

Амрнинг олдига қочдилар, Исмоил ибн Аҳмад эса Бухорога қайтди. Амр ибн ал-Лайс ўзи қўшин билан Нишопурдан чиқиб, Балх томон юрди. Исмоил ҳам қўшин билан Амударёдан кечиб ўтиб, Балхга келди. Бўлиб ўтган жангда Амр қўшинлари мағлубиятга учради, Амрнинг ўзи эса таслим бўлиб, асирга тушди. Исмоил уни аввал Самарқандга жўнатди, кейин уни халифа ал-Муътазиднинг буйруғига биноан қафасга солиб, Бағдодга юборди. Халифа ал-Муътазид Амр ибн ал-Лайснинг қўл остида бўлган барча ерларни Исмоил ибн Аҳмадга топширди. Шундай қилиб, Исмоил ибн Аҳмад Мовароуннаҳр ва Хуросон волийси бўлди. 289/901-02 йилда Исмоил ибн Аҳмад Гургон ва Табаристонда кўтарилган қўзғолонни бостириб, у ерларни қайта эгаллади ва лашкарбошиси Аҳмад ибн Саҳлни ҳоким этиб тайинлади. Шу йилда халифа ал-Муътазид вафот этиб, унинг ўрнига ал-Муктафи халифа бўлди ва Хуросон волийлиги ҳақида ёрлиқни Исмоилга ундан кейин эса ўғли Аҳмадга юборди. Хуросонга қўшимча қилиб у Рей, Қазвин ва Зинжонни ҳам қўшиб берди. Хуросон ва унинг атрофидаги ерлар X асрнинг охиригача Сомонийларга қарашли бўлиб, кейин Маҳмуд Ғазнавийнинг қарамоғига ўтди.

Исмоил ибн Аҳмад Сомонийлардан биринчи бўлиб Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тамойилида ҳукмронлик қила бошлади. У Аббосий халифаларга содиқ қолган ҳолда ўзининг ҳокимиятини мустаҳкамлаб, марказлаштирилган маъмурий бошқарув тизимини мукаммаллаштирди ва турк ғуломларидан иборат кучли мунтазам қўшин тузди. Натижада кўчманчи туркларга қарши серхаражат мудофаа деворларини қуришга ҳожат қолмади. Бунинг эвазига одамлар ички муаммоларни ҳал қилишга кўпроқ эътибор беришларига имкониятлар туғилди. Исмоил ибн Аҳмад жорий этган бошқарув тамойиллари ундан кейин ҳам 100 йил давомида амал қилди.

Исмоил ибн Аҳмад 295/907 йил *сафар* ойининг 15-кунида (25 ноябр) Бухоро яқинидаги ўзига қарашли Зармон қишлоғида вафот этди. Унга вафотидан кейин ал-Амир ал-Мозий, яъни “Дунёдан ўтган амир” деган лақабни бердилар. Исмоил ибн Аҳмаднинг вафотидан кейин ҳокимият унинг авлодларига мерос сифатида ўтиб келди.

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг ёзишича, Исмоил ибн Аҳмад фозил амир бўлган, бошқарув ишларида адолатли, ўзининг қўл остидагиларга раҳмдил бўлган. Унинг яхши ахлоқи, хушмуомалалиги, жиҳод урушларини олиб боришга рағбати ва кофирларга қарши олиб борган урушлари ҳақида одамлар мақоллар тўқир эдилар. Исмоил отаси Аҳмаднинг сўзларидан ҳадис ривоят қилган. Унинг сўзларидан Муҳаммад ибн Қурайш ал-Марварруди, Абд ар-Раҳмон ибн Муҳаммад ал-Қодий ал-Абҳарий, унинг котиби Исо ибн Муҳаммад ибн Исо ва Аб-

дуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Йаъқуб ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар.

Вазир Абу-л-Фадл ал-Балъамийнинг айтишича, Исмоил ибн Аҳмад шундай деган: «Мен фанлардан биринчи бўлиб адаб соҳасидаги китобларни ўргандим, кейин мен саҳиҳ ҳадисларни ажратиб олдим. Шундан кейин мен ҳадис ва адаб фанларини тезда эгалладим». У наҳв (грамматика) ва имлони яхши билар эди, кўп ҳадисларни ёд олган эди, фиқҳдаги мунозарали масалаларнининг фарқига яхши бориб, ҳукм чиқарганда адолат билан иш юритар ва ҳеч қайси томоннинг тарафини олмас эди.

### *Исмоил Сомонийнинг бошқарув тизими*

Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомонийнинг бошқарув тизими Бағдоддаги Аббосий халифаларининг бошқарув тизимидан намуна сифатида олинган. Араб халифалигида олий ҳукмдор, яъни халифа, *амир ал-муъминин* ("мўъмин мусулмонларнинг амири"), вилоятларнинг волийлари эса *амир* ("буйруқ берувчи", "бошқарувчи") деб аталган. Исмоил Сомоний ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросон волийси сифатида шу унвонга эга бўлган.

Бошқарув *даргоҳ* (сарой) ва *девонлар* (ҳарбий ва маъмурий бошқармалар) орқали амалга оширилган. Амирнинг турк ғуломларидан иборат шахсий қўриқчилар лашкари бўлиб, у ҳам бошқарув ишларида катта аҳамиятга эга эди. Энг иқтидорли ва яхши хизмат кўрсатган ғуломлар *хайлбоши* ("отлиқ аскарлар бошлиғи"), сўнг *ҳожиб* лавозимини эгаллаганлар.

Амирнинг чиқарган ҳукмларини ижро этувчи амалдор *соҳиб ал-ҳарас* ёки *амир ал-ҳарас* деб аталган ва олий сиёсий ҳокимиятни амалга оширган. Соҳиб ал-ҳараснинг ихтиёрида 20 та олтин, 20 та кумуш, 10 та ёғоч гурзи тутган 50 кишидан иборат чўбдорлар бўлган. Саройда девонбошилар, мирзабошилар, мирохур ва бошқалар ҳам бўлган.

Марказий бошқарма 10 та девондан иборат эди.

Саройдаги энг катта девон *Вазир девони* эди. Вазир ўзининг девонидан ташқари марказий бошқармадаги барча маъмурий, сиёсий ва хўжалик девонларининг ишини назорат қилар эди. Ҳарбий ишлар бошқаруви ҳам вазирга юклатилган. Анъанага кўра, вазир лавозимини фақат ал-Жайҳоний, ал-Балъамий ёки ал-Утбий хонадонларига мансуб бўлган шахслар эгаллар эдилар. Вазирлар одатда лашкарбоши ва котиб вазифаларини ҳам бажарганлар. Бу ҳам халифа ал-Маъмуннинг вазири ал-Фазл ибн Саҳлнинг тажрибасидан олинган бўлиб, у қилич

санъатини ҳам, қалам саъатини ҳам яхши эгаллагани учун уни Зу-р-Рийосатайн (“Икки санъат соҳиби”) деб атаганлар.

*Девон ал-муставфий* хазинадор, яъни молиявий ишлар билан шуғулланувчи амалдор томонидан бошқарилган, у ғазнага келган даромадлар ва қилинган сарф-харажатларни ҳисоблаш билан шуғулланган. Унинг ихтиёрида алоҳида тайинланган ҳисобчилар бўлган.

*Девон ар-расоил* ёки *Девон ал-иншо* расмий ҳужжатларни тузиш билан шуғулланган ва *Девон амид ал-мулк* деб ҳам аталган.

*Девон соҳиб аш-шурат* сарой соқчилари ва умуман ҳарбий ишлар билан шуғулланган. Соҳиб аш-шуратнинг ёрдамчиси *ориз* деб аталган бўлиб, унинг қошида махсус Девон ал-арз бўлган. Бу девон қўшинга ажратилган маблағларнинг тақсимланишини назорат қилган, 1 йилда 4 марта аскарларга маош бериб турган, қўшинда интизомга риоя қилиниши, қурол-яроғларнинг аҳволи ва озиқ-овқат таъминотини назорат қилган.

*Девон соҳиб ал-барид* расмий мактубларни манзилига етказиш, яъни почта хизматига масъул бўлган, шунингдек у маҳаллий ҳукмдорлар ва амалдорлар устидан махфий равишда назорат олиб борган. Турли шаҳар ва қишлоқларда бу девонга қарашли кўплаб чопарлар ва отлар бўлган. Жойлардаги почта хизмати амалдорлари бошқа амалдорлардан фарқли равишда маҳаллий ҳукмдорга эмас, фақат марказий бошқарма девонига бўйсинган.

*Девон ал-муҳтасиб* бозорлардаги нарх-наволарни, сотувчиларнинг тош ва тарозиларини назорат қилиб турган, ҳунармандчилик маҳсулотларининг меъёрларини ва сифатини текшириб турган, шунингдек, одамларнинг юриш-туриши ва одоб-ахлоқи (масжидга бориши ёки бормаслики, шароб ичиши ёки ичмаслики ва ҳ.к.) ни ҳам назорат қилган. Муҳтасиблар ҳар бир шаҳар ва катта қишлоқда бўлган. Бу тоифадаги амалдорлар шаҳарларнинг ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлар.

*Девон ал-мушриф* ғазнадаги маблағларнинг сарфланиши, сарой харажатлари учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши ва бошқа ишларни назорат қилган.

*Девон ал-қазо* бошида қозиларнинг қозиси (*қозий ал-қузот*) турган ва барча қозиларнинг фаолиятини назорат қилган.

*Девон аз-зиъа* амирга қарашли ер мулкларини назорат қилган.

*Девон ал-авқоф* диний муассасалар (масжид ва мадрасалар) га вақф мулки сифатида инъом этилган ер ва бошқа мулкларни назорат қилган.

Девонларнинг вилоятлар ва шаҳарлардаги бўлимлари маҳаллий бошқарув органларига бўйсинган. Фақат почта хизмати ходимлари бевосита марказий бошқармага бўйсинганлар. Жойларда маҳаллий бош-

қарув ҳокимлар қўлида бўлиб, уларни одатда вазир ёки бошқа йирик амалдорларнинг тавсияларига кўра амир тайинлаган. Кўпинча бу лавозимларни маҳаллий ҳукмдорлар ва ер эгалари оилаларининг вакиллари эгаллаганлар (Фариғунийлар, Баничурийлар ва б.). Хуросон вилоятини амир томонидан тайинланган *сипоҳсолор* бошқарган ва бевосита амирга ёки унинг вазирига бўйсинган.

Шаҳарлардаги бошқарув ишларини ҳоким томонидан тайинланган *раис* амалга оширган. Бу лавозимни кўпинча маҳаллий ер-мулк эгалари ёки дин пешволари эгаллаганлар.

Марказий ва маҳаллий бошқарув ишларида дин пешволарининг нуфузи катта бўлган. Дин пешволари бошлиғи *устод* ёки *шайх ал-ислом* деб аталган. Ундан кейин дин пешволари орасидаги энг нуфузли амалдор *хатиб* бўлиб, у жоме масжидларида жума кунлари ўтказиладиган жамоа намозида *хутба* (ваъз) ўқиш ҳуқуқига эга бўлган.

Бошқарув тизимидаги амалдорларни ҳам асосан маҳаллий деҳқонлар ва дин пешволари ташкил этганлар. Улар араб тили, Қуръон ва шариат қонун-қоидаларини билиши, шунингдек адабиёт ва исломий илм-фанлардан хабардор бўлиши лозим эди. Бундай одамларни *аҳл ал-калом* ёки *дабир* деб атаганлар.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бир йиллик бюджети тахминан 45 миллион дирҳамни ташкил этган, бундан 20 миллион дирҳам маблағ бошқарув тизимида хизмат қилувчи амалдорлар ва ҳарбийларга сарф қилинган. Сомонийларга қарашли айрим вилоятларнинг ҳокимлари ғазнага хирож тўловларини юбормаганлар. Булар – Сеистон, Ғаржистон, Гузгон, Ғазна, Хуттал, Чағониён, Исфижоб, Хоразм ва бошқалар. Улар маҳаллий бошқарув ишларини ўзларининг маҳаллий маблағлари ҳисобидан олиб борганлар.

### \Исмоил Сомонийнинг қўшин ислоҳоти

Исмоил Сомонийнинг амалга оширган энг муҳим ишларидан бири бу қўшин ислоҳоти эди. Унгача қўшин фақат чақириқ бўйича маълум вақтда тўпланиб ҳарбий хизмат ўтовчи аскарлар ва жиҳод урушларини олиб борувчи кўнгилли ғозийлардан иборат эди. Бу қўшинлар деҳқонлар ва хатибларга бўйсинар эди. Амир уларга бевосита ўз ҳукмини тўла ўтказа олмас эди ва фақат деҳқонлар ва хатиблар орқали иш олиб боришга мажбур эди. Шунинг учун амир бу воситачиларга боғлиқ бўлиб қолган эди. Исмоил Сомоний Аббосий халифалардан ўрнак олиб, илк бор ёлланган аскарлардан иборат мунтазам профессионал қўшин тузишга киришди. Бу қўшин энди деҳқонлар ёки хатибларга эмас, балки бевосита унинг ўзига ва унга шахсан содиқ бўлган

ишончли одамларига бўйсинган. Қўшин ҳарбий жиҳатдан яхши тайёрланган турк ғуломлардан ташкил топган эди, уларга маош ҳукумат томонидан, яъни амир ғазнасидан берилар эди. Ғуломлар қўшинга асосан ғузлар ва туркман қабилаларидан ёлланган ва сарой қошида хизмат қилар эди. Низом ал-Мулкнинг "Сиёсатнома" асарида Сомонийларнинг сарой қўшини ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Хизматнинг 1-йилини ғулом пиёда сифатида ўтар эди ва оддий чит (зандани) матодан тикилган кийим кийар эди. Хизматнинг 2-йилида унга одий эгар-жабдуқли от берилар эди, 3-йилида қорачур номли махсус қилич, 5-йилида ипак матодан тикилган сифатли кийим (дараи), гурзи, отига эса юлдузли юган, 6-йилида ундан ҳам қимматбаҳо кийим (анван), 7-йилида эса агар хизмат давомида ҳеч қандай хато қилмаган бўлса, унга висоқбоши унвони ва унинг қўл остига 3 та ғулом берилар эди. Бошқа ғуломлардан фарқли равишда у бошига қора киғиздан тикилган ва кумуш ипли нақшлар билан безатилган бош кийим ва қимматбаҳо кийим (ганжи) кийган. Ҳарбий хизматда ўзини яхши кўрсатган ва энг иқтидорли ғуломларнинг қўл остига аста-секин ундан ҳам кўпроқ ғуломлар, шунингдек юқори мартабали ҳарбий унвонлар – аввал хайлбоши, кейин ҳожиб унвонлари берилган.

Ҳожиб сарой ғуломларининг энг катта бошлиғи бўлиб, ўнинг қўл остида сарой ва ҳукумат муассасаларини қўриқловчи кўп сонли соқчилар корпуси бўлган. Уруш бўлган вақтларда бу корпусга энг масъулиятли ишлар топширилган. Ҳожибларнинг бошлиғи ҳожиби бузург деб аталган, у саройдаги энг юқори мартабали амалдорлардан бири ҳисобланган. Ҳожиблар бошқарув ишларини олиб боришда муҳим ўрин эгаллаганлар. Ҳарбий хизматдан кўтарилган ғуломлар мавқеига кўра оддий ғуломлар, яъни куллардан катта фарқ қилиб, ҳатто озод одамларда ҳам бўлмаган имтиёзларга эга бўлганлар ва юқори табақали ҳукмрон элита таркибига кирганлар. Улар қурол олиб юрганлар, ҳукмдор ҳузурига кириш ҳуқуқига эга бўлганлар, муҳим лавозимларни эгаллаганлар, кўплаб ер ва мулк эгалари бўлганлар. Натижада куллик уларга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмаган, аксинча, уларга катта имкониятлар, ҳокимиятга йўл ва ижтимоий устунлик берган. Ҳарбий ғуломлар юқори мартабага эга бўлгандан кейин кўпинча қулликдан озод этилганлар. Уларга расмий озодлик берилмаса ҳам, ҳақиқатда улар кул бўлмаганлар, чунки ислом динида '*абд* ("қул") сўзи одамнинг ҳозирги ҳолатини эмас, балки фақат унинг келиб чиқишини англатган.

Масалан, оддий ғуломликдан ҳарбий хизматда бўлиб, ҳожиб даражасигача етган Алптегин 35 ёшида Хуросон вилоятига сипоҳсолор этиб тайинланган. Унинг қўл остида 2700 та ғулом ва жуда кўп мол-

мулклар бўлган. Унинг қўл остидаги ғуломлардан бири Сабуктегин эса кейинчалик Ғазнавийлар сулоласига асос солган.

Исмоил Сомоний қўшиларидан бирининг лашкарбошиси Симо ал-Кабир бўлиб, у отаси Аҳмад ибн Асаднинг ғуломи ва унинг қўлидан ислом динини қабул қилган мавлоси эди. Унинг яна бир лашкарбошиси Борис ал-Кабир аввал унинг хусусий ғуломи эди, кейин Журжон, Табаристон ва Рей ҳокими этиб тайинланди. Яна бир лашкарбоши Симжур ад-Давла ал-Хоразмий ҳам Исмоил ибн Аҳмаднинг мавлоси эди, кейин Сеистон ва Хуросондаги айрим вилоятларга ҳоким этиб тайинланди. Исмоил ибн Аҳмаднинг яна бир лашкарбошиси Аҳмад ибн Саҳл бўлиб, у Марв деҳқонларининг авлодларидан бўлган. Исмоил ибн Аҳмад билан унинг лашкарбошилари ўртасида ўзаро ишонч ва шахсий лаёқат бўлиб, бу нарса уларнинг амирга сўзсиз итоат этишларини таъминлаган.

Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, Сомонийларнинг қўшинлари ўзларининг қатъийлиги, шижоати ва матонати билан бошқа мамлкатларнинг қўшинларидан устун турган. Исмоил Сомонийнинг лашкабошиси Борис ал-Кабир бир масалада амир билан келишмай, қўшини билан уни тарк этди ва Хуросондаги ‘Абдуллоҳ ибн ал-Муътаз кўтарган исёнга қўшилди. Кейин Борис кўп сонли қўшини билан Ироқга кетиб, султон, яъни халифа ал-Муқтадирни ваҳимага солди. Бориснинг қўшини халифага ўзининг яхши тайёрланганлиги, кўп сонлилиги, етарли озиқ-овқат таъминоти, от-уловлари, қурол-аслиҳаси, молиявий таъминоти ва бошқа кўп жиҳатларини намойиш қилди. Халифа уларга тенг кела оладиган бундай қўшин ҳеч қаерда ва ҳеч қачон бўлмаганлигига иқрор бўлди. Лекин одамлар Хуросон қўшинига халифанинг улар олдида заифлигини билдирмадилар. Улар Борисга чегара томон юришни буюрдилар, чунки Борис уларнинг қули, кўп сонли мамлукларидан бири эди.

Аббосийлар халифалигида кенг тарқалган ғуломлар ёки мамлуклар тизимининг келиб чиқиши Ўрта Осиё билан боғлиқ бўлган. Исломдан илгари бу ерда *чокар* деб аталган қўриқчилар корпуслари бўлиб, уларнинг аосисий фазилати хўжайинга чексиз садоқат ва вафодорлик бўлган. Ҳатто хўжайин ўлганда, унинг чокарлари ҳам ўзларини ўлдириб, у билан бирга дафн этилганлар.

Ғуломлардан иборат профессионал қўшиннинг таъминоти катта харажатлар сарфлашни талаб этган. Чунки ғуломларга уруш бўлмаса ҳам мунтазам равишда маош тўлаб туриш керак эди. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида шундай ёзилган: «Ҳукмдор қўшинга нисбатан сахий бўлиши, озод ва эркин одамларга кулларга нисба-

тан кўпроқ тўлаши лозим, чунки улар ҳукмдор хизматига кириб, унинг қулига айланадилар».

Исмоил Сомонийнинг ғуломлар корпусидан ташқари фақат керак бўлганда чақириладиган Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг маҳаллий ҳукмдорларидан ва кўнгилли аскарлардан иборат муваққат қўшини ҳам бўлган. Чақириқ эълон қилинганда ҳар бир вилоят бу қўшинга маълум миқдорда аскарлар етказиб берган. Ибн Ҳавқалнинг таъкидлашича, бу қўшиндаги аскарларнинг ҳарбий маҳорати юксак бўлиб, улар ўз уйлари, жойларини, оилалари ва қўшниларини танийдиган озод кишилар ва деҳқонлардан иборат эди. Агар улардан кимдир ўлдирилса ёки вафот этса, уларнинг ўрнини кўп сонли захиралардан худди шундай юксак маҳоратли аскарлар тўлдириб туради.

Халифа ал-Муътасим Хуросон амири ‘Абдуллоҳ ибн Тоҳирга мактуб ёзиб, ундан Мовароуннаҳр ва Хуросонда қанча кишилик қўшин ёллаш мумкин, деб сўраган экан. ‘Абдуллоҳ ибн Тоҳир бу мак- тубни Нуҳ ибн Асад юбориб, ундан шундай жавоб олган: Хуросон ва Мовароуннаҳрда 300 минг қишлоқ бор. Агар уларнинг ҳар биридан дан бир отлиқ ва бир пиёда чиқса, қишлоқ аҳли уларнинг ғойиблигини сезмайдилар. Бу билан у Хуросон ва Мовароуннаҳрда аҳолининг сони жуда ҳам кўплигига ишора қилган.

Муваққат қўшинга кўнгилли аскарлар ташқи ҳарбий хавф-хатар туғилганда, мамлакатнинг бирор ерида исён кўтарилганда ва кўчманчиларга қарши ҳарбий юриш эълон қилинганда чақирилган. Кўнгилли аскарлар муваққат қўшинга етиб келгунча ўзларининг ҳисобига ёки маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳисобига кун кўрганлар. Айтиган ерга етиб келгандан кейин уларнинг ҳарбий ва озиқ-овқат таъминоти амир ҳисобидан бўлган. Масалан ал-Муқаддасий келтирган маълумотга кўра, Чағониён вилоятининг ҳокими амирнинг чақириғига жавобан Бухорога 10 аскардан иборат қўшин юборганда, ҳар бир аскарнинг ўз оти ва қурол-яроғи бўлган. Бу қўшиннинг бир қисмини ёлланма аскарлар ҳам ташкил этган бўлиши мумкин.

Ибн аз-Зубайр келтирган маълумотга кўра, кўнгилли аскарларга ҳукумат томонидан иқтоъ ерлари ажратиб берилган бўлиб, бу ерлар уларнинг ўзларини ва оилаларини боқиш, отлари ва қурол-яроқларининг барча харажатларини қоплаш учун хизмат қилган. Бу ерлардан келган даромад уларнинг ўз эҳтиёжларини қоплашдан ҳам ортиб қолиб, қолганини тижорат қилишга ва камбағалларга садақалар беришга сарфлаганлар. Шу сабабли кўнгилли аскарлар ҳарбий хизмат бурчини астойдил адо этганлар.

Мамлакатнинг ташқи чегараларини маҳаллий ҳукмдорларнинг қўшинлари ва кўнгилли ғозийлардан иборат қўшинлар қўриқлаб турган.

## *Жиҳод урушлари*

Ўрта Осиёнинг бутун тарихи давомида келиб чиқиши турли бўлган ҳар хил маданият вакиллари тинч-тотув яшаб келганлар. Шу сабабли кўчманчилар ва деҳқонлар доимо ўзаро иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб, бир-бирларига қарши тўсиқлар ўрнатмаганлар. Фақат Ўрта Осиё шаҳарларини ва воҳаларини босиб олган чет эллик босқинчилар, хусусан, Оҳамонийлар давридаги форслар, юнонлар, Сосонийлар давридаги форслар ва, ниҳоят, ислом давридаги араблар ва форслар, узоқ вақтгача ўзларининг ҳукмини даштларга ўтказа олмадилар, уларга бўйин эгишни истамаган ва доимо таҳдид туғдириб турган маҳаллий кўчманчиларни тўла бўйсиндира олмадилар. Шунинг учун улар кўчманчиларга қарши шаҳарлар ва воҳаларни ўраб турувчи мудофаа деворлари ва чегара истеҳкомларини қуришга мажбур бўлганлар. Лекин кўп ўтмай бу деворлар турк кўчманчилари тагидаги отларнинг туёқлари остида вайрон қилинган.

Араблар Ўрта Осиёга келиб ўрнашгандан кейин фақат турклардан ўзларини мудофаа қилмасдан, уларга қарши юришлар ҳам уюштирганлар. Ислом даврида туркларга қарши амалга оширилган илк ҳарбий юришлардан бири 197/812-13 йилда ‘Аббосийларнинг вазири ал-Фазл ибн Саҳл Зу-р-Рийосатайн бошчилигида Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасида жойлашган Ўтрорга шаҳрига қилинган. Зу-р-Рийосатайннинг келиб чиқиши эроний бўлиб, бу юриш туркларнинг Рофиъ ибн ал-Лайс бошчилигида 191 – 194/806 – 810 йилларда Ўрта Осиёда кўтарилган қўзғолонда фаол қатнашгани учун жазо сифатида қилинган юриш эди. Бу юриш натижасида у Исфижоб қалъасининг бошлиғини ўлдириб, Ўтрордаги қарлуқ жабғусининг ўғилларини ва хотинини асирга олди, жабғунинг ўзи эса кимаклар мамлакатига қочиб қутулди. Ўша йилда у Фарғона водийсидаги Косон шаҳрини ҳам ишғол қилди ва арабларга Фарғона қалъаларининг калитларини юборди. Бу араблар ва форсларнинг Ўрта Осиёда ўзларининг ҳокимиятини сақлаб қолиш учун қилинган охирги уриниши эди. Сомонийлар Рофиъ ибн ал-Лайс бошчилигидаги қўзғолонни бостиришда фаол қатнашганлар ва ўртада востачи бўлиб, қўзғолончиларни таслим бўлишга кўндирганлар. Кўп ўтмай Мовароуннаҳрда ҳокимият Сомонийлар қўлига ўтди. Турклар Рофиъ ибн ал-Лайс қўзғолонидан кейин ғарбга кенг кўламли юриш қилишни режалаштириб турган эдилар. Бу юришни улар Сомонийларнинг ҳокимиятга келиши туфайли амалга оширмадилар.

Маълумки, Сомонийлар туркларга қарши узун мудофаа деворларини қурмаганлар. Фақат Тоҳирийларнинг Самарқанддаги ҳокими бўл-

ган Нуҳ ибн Асад 225/839-40 йилда Испижобга юриш қилганда, унинг атрофига мудофаа деворини қурдирган. 260/873-74 йилда Тоҳирийлар ҳукмронлиги тугатилиб, Исмоил ибн Аҳмад Аббосийларнинг Мовароуннаҳрдаги волийси деб эълон қилингандан кейин Бухоро шаҳрининг атрофига мудофаа деворини қуриш масаласи кўтарилганда: “Мен тирик эканман, ўзим Бухоронинг девори бўламан”, деб, бундай серхаражат қурилишдан воз кечди.

Исмоил Сомоний ғайридин туркларга қарши шафқатсиз урушлар олиб бориб, бундан асосий мақсад ислом динини тарқатиш ва қулларни қўлга киритиш бўлган. Ўша даврда мусулмонлар кўз ўнгида бутун дунё икки қисмга бўлинган – *дор ал-ислом* (ислом мамлакати) и *дор ал-ҳарб* (уруш мамлкати). Сомонийлар бир тарафдан ғайридин туркларнинг ислом динини қабул қилишига, иккинчи тарафдан эса Ўрта Осиёда туркларнинг кенг тарқалишига катта ҳисса қўшганлар. Амалда улар арабларнинг шарқдаги босқинчилик урушларини давом этдирдилар. Сомонийларнинг турклардан келиб чиқиши уларга ислом динини қабул қилган бошқа турклар ва суғдларни атрофларига жипслаштиришга ва уларнинг Араб халифалиги ташқарисида яшовчи биродарларига қарши “муқаддас” уруш олиб боришларига имконият берди.

Агар Сомонийлар араб ёки форс бўлганларида, ислом динини қабул қилган турклар ва айниқса суғдлар уларга қўшилиб, ўзларининг “ғайридин” ватандошларига қарши урушларда ихтиёрий равишда иштирок этмаган бўлар эдилар. Чунки ғайридин турклар орасида жуда кўп суғдлар ҳам бўлган. Турк хоқонлигида суғдлар шунчалик кўп эдики, ҳатто хитойлар уларни туркларнинг бир қабиласи деб ҳисоблаганлар. Масалан, суғдларнинг Ань Ту-хань (Бухоролик тархон) исмли бошлиқларидан бири ўзи билан хитойларга қарши урушга ўзининг 5 мингдан ортиқ ватандошларини бошлаб келган.

Исмоил Сомоний ўзининг ҳукмронлиги даврида бир тарафдан маҳаллий деҳқонлар, иккинчи тарафдан дин пешволарига таянган. Исломни қабул қилган турклар билан бирга ғайридин туркларга қарши жиҳод урушларида бутун Араб халифалигидан мунтазам равишда келиб турган кўнгилли ғозийлар (ёки *ал-мутаввиъун*) ҳам фаол иштирок этганлар. IX асрда ғозийларнинг кўп сонли қўшинлари Самарқанд, Шош ва Фарғонанинг чегарага яқин ерларидаги работларда жойлашган эди. Бундай қўшинлар дин пешволари томонидан бошқарилар эди ва улардаги кўнгиллиларнинг сони баъзан 40 минггача етар эди. Сомонийлар бу қўшинлар яқин алоқада бўлганлар ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганлар. Ғозийлар ҳалок бўлганда амирлар шахсан келиб, уларнинг жанозасида иштирок этганлар. Қадимги қабристонларда “ал-Ғозий” ёзувли қабртошлар кўплаб топилган.

Ғозийларга қарши турган турклар ва суғдлар аслида ўзларининг ватан озодлиги учун, ота-боболаридан мерос бўлиб қолган дин-эътиқодларини ҳимоя қилиш учун босқинчиларга қарши кураш олиб борганлар. Манбаларда бир қатор бундай тўқнашувлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Масалан, 199/814-15 йилда Хутталондаги Шумон қалъаси ёнида, 212/827 йилда Шош ва Фарғонада, в 245/859-60 йилда Самарқанд вилоятидаги Шоудор туманида, 272/ 886 йилда Пайканд ва Фарабр орасидаги Хуканжа номли ерда мусулмонлар билан турклар ва суғдлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтган.

Айниқса Исмоил Сомоний ўзининг ғайридин туркларга қарши олиб борган ғолибона юришлари билан шуҳрат қозонди. 280/893-94 йилда Исмоил ибн Аҳмад Тароз шаҳрига юриш қилиб, унинг ҳукмдорини ва хотинини асирга олди, шунингдек 10 мингга яқин одамни қул қилди ва беҳисоб отларни қўлга киритди. Тароз ҳукмдори ва маҳаллий аслзодалар ислом динини қабул қилдилар ва шаҳардаги энг катта ибодатхона масжидга айлантирилди. Исмоил ибн Аҳмад катта ўлжа билан Бухорога қайтди ва ҳар бир аскарига минг дирҳамдан мукофот берди.

291/903-04 йилда ғайридин туркларнинг беҳисоб қўшини Мовароуннаҳрга ҳужум қилди. Уларнинг фақат бошлиқлари 700 ўтовдан иборат эди. Исмоил ибн Аҳмад уларга қарши катта қўшин юборди, уларга кўплаб кўнгилли жангчилар ҳам келиб қўшилдилар. Мусулмонлар душман қароргоҳига кечаси етиб бордилар ва эрта тонгда уларга тўсатдан ҳужум қилиб, уларнинг кўпини қириб ташладилар. Қолганлари эса қочиб қутулдилар. Мусулмонлар туркларнинг қароргоҳини талон-тарож қилдилар ва катта ўлжа билан Бухорога қайтдилар.

Сомонийлар ғайридин турклар ва суғдлар орасида ислом динини тарғиб қилиш ишларини ҳам фаол олиб борганлар.

Шундай қилиб, Исмоил Сомонийниг ғайридин туркларга қарши олиб борган юришлардан асосий мақсад улар орасида ислом динини тарқатиш бўлган. Туркий қабилаларнинг кўпчилиги ислом динини қабул қилгандан сўнг Сомонийлар уларга қарши юришларни тўхтатдилар ва ҳарбий кучларини Эрондаги шиаларга қарши қаратдилар. Бу урушда улар ислом динини қабул қилган туркларга таяндилар. Энди турклар на фақат Сомонийларнинг Бухородаги саройида, балки уларга қарашли вилоятларда ҳам энг нуфузли лавозимларни эгалладилар.

### *Исмоил Сомонийнинг ҳуқуқий мақоми*

Исмоил Сомоний ва унинг авлодлари ҳуқуқий мақомига кўра, Аббосий халифаларининг Мовароуннаҳр ва Хуросондаги волийси бўлиб,

ҳеч қачон улардан мустақил бўлишга интилмаганлар. Араб халфалигидаги марказий ҳокимият заифлашиб, маҳаллий ҳукмдорлар деярли мустақил бўлган вақтда ҳам улар номига бўлса ҳам Бағдод халифаларига бўйсинганлар ва уларни олий ҳукмдор сифатида тан олганлар. Шунинг учун улар ўзларини Мавло Амир ал-муъминин ёки Волий Амир ал-муъминин деб атаганлар.

Ҳар қандай маъмурий бирликнинг ҳуқуқий мақомини аниқлашда маълум бир белгилар эътиборга олинади. Бу Сомонийлар даврига ҳам тааллуқлидир. *Биринчидан*, Сомонийларнинг ҳокимияти Аббосий халифалари томонидан берилган махсус ёрлиқ (*маншур*) бўлган тақдирдагина қонун кучига эга бўлган. Исмоил Сомоний 287/900 йилда ‘Амр ибн ал-Лайс устидан ғалаба қозониб, Хуросонни босиб олганда, унга эгалик қилиш учун ёрлиқни халифадан олган. Бу амал рамзий маънога эга эди ва бу билан Сомонийларнинг Бағдод ҳукмдорларига тобелиги яна бир бор таъкидланган эди. 295/907-08 йилда Исмоил Сомонийнинг вафотидан сўнг тахтга унинг Наср исмли ўғли ўтирганда, у ҳам халифа ал-Муктафидан махсус ёрлиқ олган. Шу сингари Сомонийлар сулоласига мансуб кейинги амирлар ҳам халифалар томонидан тайинланиб, улардан ёрлиқлар олганлар. Улардан бирортаси халифадан бундай ёрлиқни олмаса, унинг ҳукмронлиги қонуний ҳисобланмаган. Ҳеч бир амир бундай ҳолатни инкор этмаган ва бундан бўлак нарсага даъво қилмаган.

*Иккинчидан*, Сомонийларга қарашли ҳудудлардаги ҳар бир масжидда жума намоздан олдин ўқиладиган хутбада Муҳаммад пайғамбар шарафига ўқиладиган ҳамду-санодан кейин албатта халифа шарафига ҳамду-сано ўқилиши мажбурий бўлган ва қонуний шаклда белгиланган. Бу қоидага Араб халифалигнинг барча вилоятларида риоя қилинган. Кимда-ким уни бузса, бу ҳол халифага қарши исён кўтариш деб ҳисобланган, ўша заҳоти Бағдодга етказилган ва айбдор шунга яраша жазосини олган.

207/822-23 йилда Тоҳир ибн ал-Ҳусайн жума намоздаги хутбада халифа ал-Маъмун шарафига ҳамду-сано ўқитмагани учун кўп ўтмай Аббосийларга содиқ бўлган одамлар томонидан заҳарлаб ўлдирилган. Қуръон оятлари сингари хутба ҳам фақат араб тилида ўқилиши лозим бўлган. Халифаликнинг маъмурий тизимида вилоят ҳокимларининг тобелик амалларини бажаришини назорат қилиб турувчи махсус бошқарма бор эди. Бу қатъий қоидага барча вилоятларнинг ҳокимлари, шу жумладан, Сомонийлар ҳам сўзсиз риоя қилганлар.

*Учинчидан*, Сомонийлар сулоласининг илк вакиллари фақат мис тангалар (*фалс*) зарб этганлар ва улар фақат ички бозор эҳтиёжларини қондирганлар. Шунинг учун бу тангаларда фақат Сомонийларнинг

исми қайд этилган эди. Тоҳирийлардан мустақил бўлгач, Сомонийлар ҳам кумуш тангалар (*дирҳам*) зарб эта бошладилар ва бу тангалар ташқи бозорга ҳам муомалага чиқарилди. Бу тангалар Араб халифалигининг умумий намунаси шаклида зарб этилган эди. Уларнинг олд тарафида (AV) давлат бошлиғи сифатида халифанинг исми кўрсатилиши мажбурий эди, ундан кейин эса унга бўйсинувчи Сомонийларнинг исмлари қайд этилган эди. Бу ҳам қонун томонидан белгиланган эди. Бу қонуннинг бузилиши исён кўтариш билан баробар эди. 276/889-90 йилда Шошда зарб этилган кумуш тангада эса фақат икки халифа ал-Муътадид ва ал-Муваффақнинг исмлари қайд этилган, Исмоил Сомонийнинг исми эса қайд этилмаган.

Тоҳирийлар ҳукмронлиги тугатилгандан кейин Исмоил ибн Аҳмад, аниқроғи унинг акаси Наср, 261/874-75 йилда Сомонийларнинг халифаликдан эмас, балки Хуросондан ва Сaффорийлардан мустақил бўлгани ҳақида эълон қилганлар. Буни улар зарб этган тангалар тасдиқлаб турибди. Ибн ал-Асир буни шарҳлаб, шундай ёзган эди: “261/874-75 йилда Наср ибн Ахмад Мовароуннаҳрда халифа томонидан ҳукм сура бошлади, унгача эса у Хуросон амирлари, яъни Тоҳирийлар томонидан ҳукм сурар эди”.

*Тўртинчидан*, Сомонийларга қарашли ерлар, яъни Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг, жанубдаги ва ғарбдаги чегаралари Араб халифалигининг ички маъмурий чегаралари ҳисобланган. Шимол ва шарқда Қарлуқ ва Уйғур хоқонликлари, Тибет ва Ҳиндистонга чиққан чегаралари эса Араб халифалигининг ташқи чегаралари ҳисобланган. IX – X асрларда ёзилган манбаларда Аббосийлар халифалигининг таркибидаги барча ерлар амир ал-муъмининга қарашли бир бутун бирлик (*‘амал*), яъни империяни ташкил этган бўлиб, у шарқда Мовароуннаҳрдаги Фарғонадан ғарбда Андалусиядаги Танжаргача 2700 *фарсах* масофага, шимолда Кавказдан жанубда Жиддагача 600 *фарсах* масофага чўзилган барча ерларни ўз ичига олган. Бу ерларнинг ҳаммаси *мамлакат ал-ислам*, яъни «имлом империяси» деб аталган ва ички чегаралари бўлмаган. Ҳар бир мусулмон одам бу ерлардан ҳеч қандай тўсиқсиз ва хавф-хатарсиз юриши мумкин бўлган. Шунинг учун кўплаб олиму уламолар илм-фан ўрганиш ва билим тўплаш мақсадида Бухоро ва Самарқанддан Бағдод ва Дамашқ ёки Мағриб ва Андалусияга, ва аксинча Мағриб ва Андалусиядан Балх, Самарқанд ва Бухорога бемалол саёҳат қилганлар.

*Бешинчидан*, Сомонийлар фақат ички сиёсатни юритишда мустақил бўлганлар, у ҳам бўлса Аббосий халифалар ва Бағдоддаги марказий маъмурият томонидан шариат қонун-қоидалари асосида олдиндан белгилаб берилган. Сомонийлар ташқи сиёсат олиб бормаганлар ва

чет элларнинг ҳумдорлари билан дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳуқуқига эга бўлмаганлар. Сомонийлар даврида чет эллар билан фақат савдо алоқалари бўлган. Савдогарлар Булғор, Хитой, Тибет, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, ҳатто Мўғилистон ва Жанубий Сибирга тижорат мақсадларида сафар қилиб турганлар. Лекин бу савдо алоқалари Араб халифалигининг давлат манфаатлари, яъни ислом динини тарғиб қилиш ва тарқатиш йўлига хизмат қилмаган. Ибн аз-Зубайр келтирган маълумотга кўра, 327/938-39 йилда ас-Син (Шарқий Туркистон) ҳукмдори Наср ибн Аҳмад ҳузурига Бухорога ўз мамлакатининг 4 та энг йирик олимларини элчи қилиб юборган. Уларни қўриқлаб, улар билан бирга 40 та отлиқ ҳам келган эди. Элчилар Наср ибн Аҳмадга ас-Син ҳукмдорининг мактубини бердилар. Мактубда у амирдан сўнгги 27 йил учун ўлпон тўлашни ва ас-Син ҳукмдорига бўйсинишини расман тан олишни талаб қилган эди. Акс ҳолда у амирга қарши қўшин юбориш ва Ироқга ҳам юриш қилиб, халифаликни босиб олиш билан таҳдид қилди. Наср ибн Аҳмад элчиларни қабул қилди ва уларга қуйидаги мазмундаги мактубни берди: «Эй болакай, билгинки, шу вақтгача мен сени ва сенга ўхшашларни инкор қилмаганим қўрққанимдан, заифлигимдан ёки қўшинларим ва қуросл-аслиҳам етишмаслиган эмас. Мен ўзимни ушлаб турганимнинг сабаби шуки, олий ҳукмдор (яъни халифа. – *Ш.К.*) менга бирор бир ҳаракат қилишимга буйруқ бермаган эди. Менинг динимда унинг буйруғисиз бирор ишни қилиш рухсат этилмаган. ...Шундан кейин ас-Син ҳукмдори ислом динини қабул қилди». Ўша вақтда Абу Дулаф Бухорога Наср ибн Аҳмад ҳузурига келган эди. Унинг ёзишича, ас-Син ҳукмдори Колин ибн аш-Шаҳир Наср ибн Аҳмаднинг ҳузурига элчилар юбориб, ундан қизини ўғлига эрга беришни ва бу билан икки сулола ўртасида қариндошик алоқаларини ўрнатишни сўраган эди. Наср ибн Аҳмад қизини ғайридинга беришдан воз кечди. Шунда улар Наср ибн Аҳмаднинг ўғилларидан бири ас-Син ҳукмдорининг қизига уйланиб, қариндошик алоқаларини ўрнатишни сўрадилар. Наср ибн Аҳмад бунга рози бўлди. Шундан кейин ас-Син ҳукмдорининг қизига Нуҳ ибн Наср уйланди ва унинг ўғли амир ‘Абд ал-Маликнинг онаси бўлди.

Бу икки парчада Шарқий Туркистондаги қарлуқларнинг ҳукмдори юборган элчилар ҳақида гап кетган. Шундан кейин у ислом динини қабул қилди ва Сомонийлар билан қариндош тутинди. Бу Сомонийларнинг чет эллик ҳукмдорлар билан ўрнатган алоқалар ҳақидаги ягона маълумотдир. Лекин уни дипломатик алоқалар сирасига киритиб бўлмайди. Бағдод халифалари Хитой, Византия, Ҳиндистон, Булғор ва бошқа мамлкатларнинг олий ҳукмдорлари билан мунтазам дипломатик алоқаларни олиб борганлар ва улар билан ўзаро совға-саломлар

алмашиб турганлар. Лекин Сомонийлар ислом дини тарқалмаган ерларнинг ҳукмдорлари билан дипломатик алоқалар ўрнатишга интилмаганлар.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, Сомонийлар ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қачон мустақил бўлмаганлар ва Аббосий халифаларининг Мовароуннаҳр ва Хуросондаги волийлари ҳисобланганлар.

### *Исмоил Сомоний даври маданияти*

Исмоил Сомоний ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган даврда (IX – X асрлар) расмий тил араб тили бўлиб, барча ёзишмалар ва ҳужжатлар фақат шу тилда олиб борилган. Сомонийлар ҳукмронлиги даврида зарб этилган барча тангалардаги ёзувлар фақат араб тилида бўлган. Диний адабиёт ва қонунчиликда, шунингдек илм-фан, айниқса аниқ фанлар ва фалсафада ҳам фақат араб ишлатилган. Дин пешволари ва уламолар, адиблар ва котиблар араб тилини яхши билишлари шарт бўлган. Абу Мансур ас-Саолибийнинг “Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср” асари шундан далолат берадики, шеърият ҳам асосан араб тилли бўлган. Айрим шоирлар форс тилида ҳам ижод қилганлар, лекин уларнинг шеърлари албатта араб тилига таржима қилинган. Ўрта Осиёдаги араб тилли шоирлар ва муҳаддислар ҳатто ҳадисларни ҳам назмга ўгириб, шеърий шаклда ифода этганлар. Исмоил Сомонийнинг акаси амир Наср ибн Ахмад (279/892-93 йилда вафот этган) эса ўзи араб тилида шеърлар ижод қилган.

Араб халифалигининг илм-фан ва таълим тизимида адабиёт ва тарих фанлар қаторига киритилмаган, бошқа фанлар, масалан ҳадис илми, фиқҳ ва фалсафа сингари масжид ва мадрасаларда ўқитилмаган. Шунинг учун айнан шу икки соҳада илк бор янги форс тилида, яъни араб алифбосига асосланган илк ислом даврининг форс тилида асарлар ёзила бошлаган. Лекин Хуросоннинг араб амирлари фақат араб тилида ижод қилган шоирларни қўллаб қувватлаганлар.

Сомонийлар форс тили ва адабиётига катта қизиқиш билдириб, ўзларининг саройларига янги форс тилида ижод қилувчи шоирларни таклиф қилганлар, уларга ҳомийлик қилганлар. Туркилардан биринчи бўлиб, саройнинг ички ишларида форс тилидан фойдалана бошлаганлар. Бунинг сабаби чуқур илдизларга эга. Ўрта Осиёдаги маданий турклар қадимдан ўзларига яқин қўшни бўлган эроний халқлар билан маданий алоқада бўлганлар. Хусусан, улар орқали ғарбий туркларнинг бир қисми зарудуштийлик динини қилганлар, VI – VIII асрларда эса Турк хоқонлигида монийлик диний-фалсафий таълимоти кенг тарқалди. Мо-

нийлик билан бирга турклар орасида суғд тили ва маданияти ҳам кенг тарқалган ва гуркираб ривожланган. Туркларнинг шаҳарларидаги ибодатхоналар ва хонақоҳлар қошидаги диний мактабларда фаолият олиб борган моний роҳиблари турклар орасида эроний тилларнинг кенг тарқалишида муҳим рол ўйнаганлар. Уларнинг миссионерлик фаолияти натижасида IX – XIV асрларда монийлик шарқда Амур дарёсидан ғарбда Дунай дарёсигача бўлган ҳудудларда яшовчи туркий халқлар орасида кенг тарқалган. Хусусан, монийлик Уйғур, Хакас (Қирғиз) хоқонликлари, шунингдек *кимаклар* ва *кидан* давлатларининг расмий дини бўлган. Монийликга оид барча диний матнлар суғд тилида ёзилган. Шунинг учун суғд тили Самарқанддан Хитойгача бўлган катта ҳудудларда яшовчи барча халқларда иккинчи тил, яъни дин тили сифатида ишлатилган.

VII – VIII асрларда Шарқий Туркистонда суғд алифбоси асосида тузилган уйғур алифбоси шаклланиб, Ўрта Осиёга ҳам тарқалган. Уйғур ёзуви ислом даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан Қорахонийлар ва Темурийлар даврида ҳам сарой ёзуви сифатида ишлатилган.

Шундай қилиб, турклар VI – VIII асрларда турк тили ва ёзуви билан бирга суғд тили ва ёзувидан кенг фойдаланганлар. Бу эса янги форс тили ва адабиётининг айнан турклар орасида кенг ёйилишига асос бўлиб хизмат қилган. Чунки туркларнинг асосий қисми ислом динини бевосита араблар қўлидан эмас, балки улар билан келган форслар ва тожиклар орқали қабул қилганлар. Тожиклар келиб чиқишига кўра форслардан фарқ қилганлар. Арман тилида келтирилган манбаларга кўра, “тожик” атамаси исломга қадар паҳлавий тилидаги “тозик” атамаси билан бир бўлиб, “араб” маъносини билдирган, Тожикистон деганда эса “Арабистон” тушунилган. Ўрта асрларда “тозик” ва “тожик” атамалари фарқ қилиб, “тозик” атамаси “араб”, “тожик” атамаси эса “арабнинг Эронда туғилган боласи”, яъни “отаси араб, онаси форс” деган маънони билдирган. Туркий халқлар ислом динини айнан ана шу “тожиклар”, яъни араблар билан форсларнинг қоришувидан ҳосил бўлган икки тилли (*зу-л-лисонайн*) мусулмонларнинг қўлидан қабул қилганлар. Кейинчалик тожиклар Ўрта Осиёнинг маҳаллий аҳолиси, яъни суғдлар ва турклар билан ҳам қоришганлар ва улар орасида форс тилининг яна ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлганлар. Шунинг учун ҳам турклар учун форс тили ўзининг аҳамиятига кўра араб тилидан кейин иккинчи ўринда турувчи муқаддас тил ҳисобланган ва амалда улар учун илгари диний тил бўлган суғд тилининг ўрнини эгаллаган.

Араб алифбосидаги янги форс тилида илк адабий асарлар қачон вужудга келганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Янги форс тилида ижод этган шоирлар ўзларининг шеърларини асосан араб мумтоз шеърия-

тининг қонуниятларига риоя қилган ҳолда ёзганлар. Илк ислом даврида Хуросондаги кўп шоирлар икки тилли, яъни араб ва форс тилли бўлган. Сарой шоирларининг мумтоз араб шеърияти қонуниятларига бўйсинган янги форс адабий тили илк бор IX асрнинг биринчи ярмида Йаъқуб ибн ал-Лайс ас-Саффор даврида жорий қилиниб, IX – X асрларда Сомонийлар даврида Хуросонда адабий тил сифатида кенг ёйилган. Янги форс тили ва адабиётининг асослари Сомонийлар даврида Бухоро ва Самарқандда шаклланган. Сомонийлар даврида уларнинг саройи илм-фан ва маданият марказига айланган бўлиб, бу ерга бутун мусулмон дунёсидан олимлар ва шоирлар интилганлар. Сомоний амирларининг ўзлари ҳам юксак маърифатли одамлар бўлганлар ва билимли одамларни қадрлаганлар. Сомонийларнинг Бухородаги саройида араб тилли шоирлар билан бир қаторда форс тилида ижод этган Рудакий, Кисоий ва Дақиқий каби шоирлар етишиб чиққан. Улкан қомусий олим Абу ‘Али ибн Сино ҳам форс тилида шеърлар ёзган. Сомонийлар даврида Қуръони Карим форс ва турк тилларига таржима қилинган. Ундан ташқари Қуръони Каримнинг тафсири ва Абу Жаъфар ат-Табарийнинг машҳур “Тарих ар-русул ва-л-мулук” (“Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи”) асари ҳам форс тилига таржима қилинган. Машҳур турк файласуфи Абу Наср ал-Форобий ҳам форс тилида шеърлар ёзган.

Сомонийлардан кейин Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган бошқа туркий сулолалар (Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар) даврида ҳам форс тили ва адабиётининг ривожланиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган эди.

Сомонийлардан кейин уларнинг бошқарув ва маданий анъаналарини Ғазнавийлар давом этдирганлар. Маҳмуд Ғазнавий форс тили ва адабиётига ҳомийлик қилган ва, айрим маълумотларга кўра, ўзи ҳам форс тилида шеърлар ёзган. Абу-л-Қосим Фирдавсий ўзининг “Шоҳнома” асарини Ғазнада ёзиб тугатди ва Маҳмуд Ғазнавийга тақдим этди. Лекин Маҳмуд Ғазнавий унинг асаридан мамнун бўлмагандан кейин Фирдавсий паноҳ излаб, Бувайҳийлар саройига борди. Лекин Бувайҳийлар уни қабул қилмадилар. Шундан кейин шоир ўзининг ватани Тусга кетиб, у ерда вафот этди. Фирдавсий ўз асарида форс подшоҳларини мадҳ этгани учун масжид имоми ҳатто унга жаноза ўқишдан ҳам бош тортди. Маҳмуд Ғазнавий кеч бўлса ҳам ғазабидан тушиб, Фирдавсийнинг буюк асарини тан олди ва унинг кетидан унга ваъда қилган мукофот пулини юборди, лекин унинг элчиси Тусга етиб келганда, шоир вафот этган эди. Ғазнавийлар саройида форс тилида Унсурий, Манучеҳрий, Асджадий, Ғадоирий, Чағониён ҳумдорлари саройида эса Фаррухий и Дақиқий каби шоирлар форс тилида ижод қилган-

лар. Ғазнавийлар ва Салжуқийларнинг сулолавий тарихлари форс тилида ёзилган. Форс тили ва адабиёти мўғиллар давригача ҳукм сурган барча туркий сулолаларнинг саройларида ривожлантирилди.

Қорахонийлардан Тамғочхон Ҳизр ибн Иброҳим форс шеъриятининг мухлиси бўлиб, ўзининг Самарқанддаги саройига форс тилида ижод қилувчи шоирларни таклиф этган эди. Хусусан, бу саройда шоир Захириддин ал-Фарйобий форс тилида ижод қилган. 522/1128 йилда Қорахонийлар саройида Наршахийнинг “Бухоро тарихи” араб тилидан форс тилига таржима қилинган. Қорахонийлар даврида зарб этилган тангалардаги ёзувларда форс тилининг таъсири кўзга ташланади, форсча унвонлар ҳам учрайди. Ўрта Осиёдаги янги форс тилида ёзилган илк эпиграфик ёдгорликлардан бири 546/1115-52 йилда Узгандда қурилган шимолий мавзолей ва бошқа Қорахонийларнинг мақбараларидаги ёзувлар ҳисобланади. Ўрта Осиёда қабр тошлардаги ёзувлар ҳам илк бор XII асрда, яъни Қорахонийлар даврида форс тилида ёзила бошлаган. Бунгача мақбара ва қабртошлардаги ёзувлар фақат араб тилида ёзилар эди.

Мўғиллар даврида ҳам адабий ва тарихий асарлар асосан форс тилида ёзилган. Хусусан, мўғилларнинг сулолавий тарихи “Жоме ат-таворих” ва “Тарихи Жаҳонгушо” асарлари шулар жумласидандир. Форс тили Темурийлар, Шайбонийлар ва ўзбек хонликларида ҳам етакчи ўрин эгаллаган ва расмий тил сифатида ишлатилган. Кейинчалик Ўрта Осиёда бу ҳол анъанага айланиб, XX асргача давом этиб келган, форс тили расмий тил, шунингдек, дин, маданият ва маърифат тили ҳисобланган. Ўрта асрларда яшаб ижод қилган туркий тилли шоирлар, масалан, Низомий Ганжавий, Фузулий, Навоий, Бобур, Зебуннисо ва бошқалар форс тилида ҳам нафис шеърлар ёзиб қолдирганлар.

Шу билан бирга форс тилининг ватани Эронда адабий ва тарихий асарлар IX – X асрларда фақат араб тилида ёзилган. Давлат ва девон ишлари ҳам фақат араб тилида олиб борилган. Келиб чиқиши форс бўлган ҳукмдорлар янги форс тилига салбий муносабатда бўлиб, уни ислом динига зид деб билганлар. Масалан, Тоҳирийлар ҳамма соҳада фақат араб тилини ишлатганлар ва ягона ислом тили сифатида тан олганлар. Улар ҳатто шахсий ёзишмаларда ҳам фақат араб тилидан фойдаланганлар. Улар форс тилида ёзилган асарларни инкор этиб, уларни ёқиб юборишни буюрганлар. Масалан, ‘Абдуллоҳ ибн Тоҳир унга тақдим этилган форс тилидаги қасидани эшитишни ҳам истамасдан, уни сувга оқизиб юборган.

Келиб чиқиши форс бўлган Зиёрийлар ва Бувайҳийлар (X – XI асрлар) davридаги адабий муҳит ҳам тўла араб анъаналарининг таъсири остида бўлиб, форс тили ва адабиёти деярли ривожланмаган. Бувай-

ҳийлар сулоласига мансуб амир Адуд ад-Давла ўзини Сосонийлар анъаналарининг давомчиси деб ҳисоблаган, шоҳаншоҳ унвонини қабул қилган ва баъзи тангаларида паҳлавий ёзувларини ишлатган бўлса ҳам, бошқа Бувайҳийлар сингари янги форс тили ва адабиётига ҳеч қандай қизиқиш билдирмаган. Бувайҳийларнинг сулолавий тарихи форс тилида эмас, араб тилида ёзилган. X – XI асрларда Эрондаги Қум ва Исфаҳон шаҳарларининг тарихлари ҳам араб тилида ёзилган. Эронда араб тили муғуллар даврига қадар ҳукмронлик қилган. Бувайҳийлар давридаги форс адабиёти жуда заиф бўлиб, шеъриятдан нарига ўтмаган. Фақат Эронда Салжуқийлар ҳокимиятга келгандан кейин (XI – XII асрларда) расмий ҳужжатлар форс тилида ёзила бошлаган. Тарихий адабиётда эса форс тили фақат XIII асрда, яъни мўғиллар даврида кенг ишлатила бошлаган.

Сомонийлар ва бошқа туркий ҳукмдорлар уларга тобеъ бўлган мамлакатлар маъмуриятида туркий тилни жорий қилишга ҳаракат қилмаганлар. Улар туркий тилнинг мавқеи ва аҳамиятини ошириш мақсадида ундан ҳатто сарой тили сифатида ҳам фойдаланмаганлар. Аксинча, улар сарой ичида асосан форс тили, шунингдек араб тилидан фойдаланганлар. Туркий ҳукмдорлар биринчи бўлиб янги форс тилини араб тили билан баробар девон ишларини юритишга жорий қилганлар. Сомоний амири Аҳмад ибн Исмоил (295 – 301/917 – 914) ички маъмурият тили сифатида фақат араб тилини қолдирмоқчи бўлганда, бунга туркий ҳарбийлари қарши чиқдилар ва кўп ўтмай улар амирга суиқасд уюштирдилар.

Шундай қилиб, туркий халқлар қадимдан қўшни эроний халқларнинг кучли маданий таъсири остида бўлиб, улар воситасида зардуштийлик ва монийликни қабул қилганлар. Туркларнинг маданий ҳаётида айниқса суғдларнинг аҳамияти катта бўлиб, турклар улар билан яқин этномаданий алоқада бўлганлар. Икки халқнинг бу табиий ва ихтиёрий яқинлашув ва қоришув жараёнлари натижасида суғдлар Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг ўтроқ турклари билан табиий равишда қўшилиб кетганлар.

Туркий халқлар ислом динини форслар ва тожиклар орқали қабул қилганлар. Шунинг учун турклар учун форс тили араб тили сингари мўътабар тил ҳисобланган. Ислом даврида Ўрта Осиёда ҳукм сурган барча турк ҳукмдорлари маъмуриятда ва саройда форс тилидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилганлар ва форс тилидаги адабиётга ҳомийлик қилганлар. Бу анъана Ўрта Осиёда сўнгги ўрта асрларда ҳам рус босқинига қадар давом этиб келган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан форс тилининг Туркистон жамиятидаги бу муҳим ўрнини мажбурий ва сунъий равишда киритилган рус тили эгаллади.

### *Исмоил Сомоний мақбараси*

Бухородаги энг кўҳна меъморий ёдгорликлардан бири Исмоил Сомоний мақбараси бўлиб, у шаҳарнинг ғарбий қисмида, Регистон яқинидаги маданият ва истироҳат боғининг ҳудудида жойлашган. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” да келтирилган маълумотга кўра, ўрта асрларда бу ерда Науканда қабристони бўлган. Археологик қазилмалар натижасида шу нарса аниқландики, илгари Исмоил Сомоний мақбарасидан шимолий шарқда яна бир нечта мақбаралар бўлиб, уларда Сомонийлар оиласининг аъзолари ва уларга яқин бўлган одамлар дафн этилган. Ўрта асрларда Бухорода Науканда номли ариқ ҳам бўлиб, у X асрда яшаган ал-Истахрий ва Ибн Ҳавқалнинг географик асарларида ҳам қайд этилган. Исмоил Сомонийнинг авлодларига қолдирган вақфномасида ёзилишича, Наҳр-и Науканда қишлоғи Бухоронинг шарқ томонида жойлашган. Унинг ерлари ғарбда Жу-йи Бут ерларига, шимолда умумий ариқнинг бўйидаги ерларга, шарқда умумий йўлга, жанубда эса қисман Солор-и Ҳажж номли қабристонга, қисман Қоракўл номли ерга олиб борувчи умумий йўлга туташ бўлган. Археологик ва топографик маълумотларга кўра, бу ерлар IX асрда Бухоронинг девор билан ўралган ташқи шаҳари (*рабад*) нинг ғарбий қисмида жойлашган. Науканда ерларининг ғарбий чегарасини белгиловчи Жу-йи Бут XIX аср рус хариталарида ҳам учрайди. Бу ерларнинг шимолий чегараси Руд-и Зар ариғигача борган. Бу ерларни шарқ томондан чегаралаб турувчи умумий йўл XVI асрда Хиёбон деб аталган. Жанубда бу ерлар шаҳарнинг Қоракўл дарвозасидан чиқувчи катта йўл ва қабристонгача борган. XX асрнинг биринчи ярмида яшаган бухоролик тарихчи М.Саиджоновнинг маълумотига кўра, Исмоил Сомоний мақбараси турган ер илгари Ку-йи Чаҳор гумбазон, яъни Тўрт гумбаз кўчаси деб аталган.

Исмоил Сомоний мақбарасининг 4 томони бир хил чордара шаклида жимжима ғиштин безаклари чивиқли тўсиқ ёки қамиш, бўйра тўқимасини эслатади. Девор қалинлиги – 1, 8 м, тарҳи – ташқариси 10, 80х10, 70 м, ичкариси 7, 20х7, 20 м. Усти гумбаз билан қопланган. Мақбаранинг 4 та бурчаги устунсимон шаклда ишланган, гумбаз атрофига 4 та қубба ўрнатилган. Деворларнинг тепасидаги галлереяда жами 40 та кунгирасимон равоқ дарчалар бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳошияланган. Равоқ тепасидаги қанос ғиштин тангачалар маржони билан чегараланган. Икки четида майда ғиштдан чорси тумор ясалган. Бинонинг ички деворларидаги безаклар ташқаридаги безаклар билан узвий боғлиқ бўлиб, услуб жиҳатдан бир хил. Ички девор гумбаз ости

бағалидаги устма-уст равоқчалар устунчаларга таянган. Равоқчалар 8 қиррали гумбаз асосини ташкил қилади. Қиррачалар бурчагига гумбазга тиргаклик қилувчи устунчалар ишланган.

1927 йилда ўтказилган археологик қазилмалар вақтида хона саҳнида 2 ёғоч сағана борлиги аниқланган. Ёзма манбалар ва ривоятларга кўра, мақбарани Исмоил Сомоний отасининг қабри устига қурдирган. Шарқ томондаги сағана Исмоил Сомонийнинг қабри деб тахмин қилинади.

Наршахийнинг “Бухоро тарихи”да ёзилишича, Исмоил Сомонийнинг қуллар томонидан ўлдирилган ўғли амир Аҳмад ибн Исмоил ҳам Науканда қабристонига дафн этилган. М.Саиджоновнинг маълумотига кўра, Исмоил Сомонийнинг авлодларига қолдирган вақфномасининг 976/1568-69 йилда кўчирилган нусхасида ёзилишича, Исмоил Сомоний бу мақбарани 254/868 йилда отаси амир Аҳмад ибн Асаднинг (250 /864-65 йилда вафот этган) қабри устига қурдириб, бу ердан Регистонгача бўлган ерларнинг бир қисмини мақбарага вақф этган.

Исмоил Сомоний мақбараси Ўрта Осиё меъморчилиги ва санъати тарихидаги дастлабки мақбаралардан ҳиобланади. Унинг тузилишида қадимги суғд меъморчилигининг анъаналари сақланиб қолган. 1925 йилда мақбаранинг гумбази таъмир этилган, В.Вяткин бошчилигида археологик текширувлар олиб борилган. Бинонинг пастки қисми кўмилиб кетган эди. 1937 – 1939 йилларда у зах тупроқдан тозаланиб, Б. Засипкин ва Уста Ширин Муродов бошчилигида таъмирланган.

Исмоил Сомоний мақбараси лойиҳасидан тортиб, ҳажмий тузилишигача геометрик тартиб ва қоида асосида қурилган. Мақбаранинг ташқи деворларида кириш эшикларининг тепасидаги токчаларда ғиштлардан терилган мураккаб рамзлар мавжуд бўлиб, мураккаб геометрик композициядан иборат. Бу рамзлар бир бирининг ичидаги квадрат ва ромб шакллар, ва уларнинг ўртасига жойлаштирилган доира шаклидан ташкил топган. Ҳар бир эшик тепасида 2 тадан, жами 8 та рамз жойлаштирилган.

Нуҳ ибн Асад номидан зарб этилган бир мис тангада доира ичида ромб (ёки квадрат) ва унинг ичида яна бир кичикроқ доира шаклидаги рамз тасвирланган. Нуҳ ибн Мансур ҳукмронлиги даврида 378/988-89 йилда Узгандда зарб этилган мис тангаларнинг орқа томонида ҳам квадрат ичига ўрнатилган ромб тасвирланган, ўртадаги доира ўрнида эса тик турган одамнинг сурати туширилган. Бир-бирининг ичига ўрнатилган квадратлар ва дисклар шаклидаги рамзлар Бухоро вилоятидаги Варахша ёдгорлигида, яъни бухор-худотларнинг саройидаги деворий суратларда ҳам учрайди. Худди шундай рамзларни илк ўрта асрларда (VI – VII асрлар) Шарқий Туркистоннинг энг йирик будда-

вий марказларидан бири бўлган Дун Хуан ғор мажмуасининг деворий суратларидаги буддавий ривоятларнинг тасвирларида ва Бомиён тоғларидаги ғорларда жойлашган буддавий ибрдатхонанинг (VII – VIII асрлар) деворий безакларида ҳам кўриш мумкин.

Бу рамзнинг геометрик тузилиши анча содда, яъни ташқи квадрат – унинг ичида диагонал жойлаштирилган кичикроқ квадрат – унинг ичида яна ҳам кичикроқ кавадрат – унинг чида эса доира бирин кетин бир-бирига уйғунлаштирилган. Ички квадрат ва диагонал квадратнинг ташқи томонларида 4 тадан жами 8 та бурчак шаклидаги ўсимлик белгилари тасвирланган бўлиб, улар ҳам биргаликда квадрат шаклларини ташкил этади. Диагонал квадрат ташқарисидаги жойлаштирилган ўсимликлар ифодаси ички квадрат ташқарисида жойлаштирилган ўсимликларга қараганда бойроқ. Ташқи квадрат аслида бир-бирининг ичига жойлаштирилган 2 та квадратдан иборат бўлиб, уларнинг орасидаги бўшлиқ ичига ҳар томонда 10 тадан, жами 40 та кичик доирачалар (юмалоқ гардишлар ёки дурдоналар) жойлаштирилган. Шуни айтиш жоизки, мақбаранинг ташқи деворлари тепасидаги кунгирасимон равоқ дарчаларларнинг сони ҳам 40 тадир. Бундан хулоса қилиш мумкинки, мақбара биносининг умумий тузилиши ҳам ушбу рамз асосида лойиҳалаштирилган. Худди шундай ғиштдан жимжимадор қилиб терилган юмалоқ гардишлар мақбарага киришдаги равоқлар ичига ҳам жойлаштирилган. Улар осмон жисмлари – қуёш, ой ва юлдузларни билдиради.

Дун Хуан ғоридаги тасвирлар, яъни буддавий мандалаларнинг маъноси аниқ бўлганлиги сабабли улар Исмоил Сомоний мақбарасидаги рамзларнинг маъносини очиш имконини беради. Марказий (“яшил”) квадрат Ернинг ҳаёт майдонини ифодалайди. Унинг ўртасида юмалоқ уруғланиш доираси жойлаштирилган. Бу марказдан 4 диагонал томонга қараб ҳаёт давом этади. Бундай композициялар маконни ёвуз кучлардан тозалаш ва ҳимоя қилиш вазифасини бажарган.

Исмоил Сомоний мақбараси биноси чизмасининг тузилиши ҳам диққатга сазовор бўлиб, ярим шар (гумбаз) билан якунланган ва деворлари бир хил 4 эшикли центрик тузилишга эга бўлган куб шаклидаги бино ҳажмидан иборатдир. Унинг меъморий ғояси комограмма тимсолидир: квадрат – доира. Мақбаранинг ташқи деворларидаги рамз мақбара тузилишининг лойиҳасини акс этган ва ясси мандала вазифасини бажарган. Мақбарасининг умумий тузилиши эса тепадан қараганда, ясси мандаланинг шаклини беради. Куб-квадрат ва гумбаз-доира алоқаси, рамзнинг 40 та гардиши мақбаранинг 40 та равоқ дарчаси орасидаги ўхшашлик ҳам шуни тақозо этади. Мақбаранинг катта композициясида бир-бирига диагонал бўлган квадратларнинг бирику-

ви 4 томонга равоқли деразалар очиқлигини ифодалайди. Ясси мандала шаклидаги рамзнинг мақбара биносининг композицияси билан бўлган бундай алоқаси буддавийлик динининг анъаналари доирасида талқин этилиши мумкин. Тантризмдаги мандала белгиси уч ўлчамли илоҳий қасрнинг расмий образидир. Бу ҳақиқий мандала – тасаввурдаги худоларнинг уйи ҳамдир. Бу мураккаб архитектура иншоотини медитация вақтида хаёлан тасаввур этиш зарур. Тантрик худоларнинг ёғоч уйлари намуналари ёдгорлик сифатида Тибет ибодатхоналарида сақланади. У ерда роҳиблар саройларнинг ёғочдан ясалган моделларини тасаввур этишга ўрганадилар.

Доира ва квадрат Ер ва Коинот муносабатини кўрсатади. Ташқи доира борлиқнинг бутунлиги рамзидир. Ундан ташқарида Бўшлиқ, ичкарида эса ҳаётий Коинот. Доира шунингдек ҳаракат, борлиқнинг айланиши рамзидир. Квадрат Ерни, ундаги дунёни ифодалайди. Унинг томонлари маконнинг 4 томонини англатади. Квадрат инсон дунёси мувофиқлигининг дастлабки рамзи, унинг шаклланиши билан боғлиқ дастлабки ҳолатни ифодалайди. Қадимги Хитойда квадрат етуклик ва тартиб рамзи саналган. Доирадаги квадрат рамзи дунёнинг тузилиши, ундаги абадий бирлик, Ер ва Коинотнинг ўзаро алоқасини ифодалайди. Уларнинг муносабати абадий ҳаракат доирасида мутаносиблик, тартиб, етуклик сифатида талқин этилади. Квадрат ичидаги доира рамзи Ердаги ҳаёт манбаини кўрсатади. Доирадаги квадрат рамзи илк ўрта асрларда Хитойда белги стандарти бўлиб, тангаларда квадрат тешик шаклида акс этган. Ўрта Осиёда, хусусан Суғдда ҳам VII – VIII асрларда бундай шаклдаги тангалар зарб этилган.

Ўрта асрларда деворий суратлар ва нақшлар сеҳрли маънога эга бўлиб, биноларнинг кўпга чидамлилигини таъминловчи ва уларда яшовчи одамларнинг соғ-саломатлигини асраб турувчи рамзлар ҳисобланган. Геометрик рамзлар (кўпбурчаклар, айлана, квадрат ва уларни бир-бирининг ичига ўрнатилган шакллари, мандала, хоч, свастика ва ҳ.к.) Коинотнинг тузилишини вертикал ва ва горизонтал кўринишда, замон ва макон муносабатлари уйғунлигида, шунингдек Коинотнинг кичраювчи ёки катталашувчи космограммасини ифода этган. Масалан: ер, мамлакат, шаҳар, маҳалла, сарой, ибодатхона, мақбара.

Исмоил Сомоний мақбарасининг ташқи деворларида паст томони учли, тепа томони эса горизонтал бўлган ва ўртасидан вертикал чизиқ билан иккига бўлинган учбурчак шаклдаги рамзлар ҳам бор. Ҳосил бўлган 2 та учбурчакнинг ичида ўсимлик тасвири бор. Бу рамзлар ҳар бир эшик тоқининг тепасида юқорида тасвирланган буддавий рамзларнинг ўртасида 1 тадан жойлашган, жами 4 та. Мутахассисларнинг

фикрига кўра, бу рамзда оташпарастларнинг оташдони ифода этилган. Саккиз бурчакли тоқнинг жанубий равоқидаги пишиқ ғиштдан ишланган панжара шундай терилганки, ғиштлар орасидаги бўшлиқлар ҳамма томонлари тенг бўлган хоч шаклини беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, мақбарада ислом даври билан боғлиқ бўлган бирорта белги ёки ёзув йўқ. Тахмин қилинишича мақбара исломдан олдинги деҳқонлар саройи ёки суғд меъморчилигида кенг тарқалган аждодлар хотирасини эслаш учун қурилган махсус бино – “кед” нинг шаклини қайтарган. Бошқа фикрга бир кўра, мақбара биноси осмон жисмларига сиғинувчи сабийларнинг Қуёш худосига бағишланган ибодатхонаси ва расадхонаси бўлиб, унда қуёшнинг ҳаракати кузатилган. Мақбаранинг юқори галлереясидаги 40 та дарчаларнинг ички кесмаси юқорига қаратилган ва осмон жисмларини кузатиш учун мўлжалланган.

Ғиштлардан қурилган ва гумбаз билан якунланган пештоқли мақбараларнинг меъморий шакллари кўчманчилар ўтовининг тузилиш асосларига бориб тақалади. Бундай меъморий шакллар дастлаб қадимги туркларнинг қўрғонли мақбараларида, кейинчалик эса ислом давридаги мақбараларда ишлатилган.

Исмоил Сомоний мақбарасининг ёнида ундан ҳам қадимийроқ бир бинонинг пойдеворлари қазиб топилган. Унинг оёқ остига концентрик айланалар шаклида терилган пишиқ ғиштлар ётқизилган. Тахмин қилинишича, бу бино қуёшга сиғиниш ибодати билан боғлиқ бўлган.

Бизнингча, Исмоил Сомоний мақбарасининг ёнида топилган қадимий бинонинг пойдеворлари эса исломдан олдин Бухоронинг туркий ҳукмдори Эл-тегин ўзининг Хитойдан келган қаллиғига атаб қурдирган ибодатхонанинг қолдиқларидир. Эҳтимол, Исмоил Сомоний мақбараси ўша ибодатхонанинг шаклини қайтариб, унинг аниқ нусхаси бўлгандир.

Шуниси диққатга сазоворки, биргина Исмоил Сомоний мақбарасининг ўзида 3 хил рамзлар учрайди: бири буддавий-моний мандала, иккинчиси оташпарастларнинг оташдони, учинчиси эса насронийларнинг хочи. Бу 3 та турли динларнинг рамзлари бир ерда мужассам бўлгани шундан далолат берадики, бу бинони қурганлар монийлик диний-фалсафий таълимотига эътиқод қилганлар. Маълумки, монийлик мазкур 3 та динларнинг қоришувидан ҳосил бўлиб, унда ҳар 3 та диннинг маънавий қадриятлари эъзозланган. Айниқса монийликка буддавийлик динининг таъсири кучли бўлган. Монийлар ўзларининг пайғамбари Моний билан бир қаторда Зардушт, Будда ва Исони ҳам пайғамбарлар сифатида тан олганлар. Демак, Исмоил Сомонийнинг исломдан олдинги аждодлари моний бўлганлар. Исмоил Сомоний

аждодларининг диний эътиқодини ёдда тутиб, унга ҳурмат билан қараган ва уларнинг рамзларини Бухорода қурдирган сулолавий мақбаранинг деворий нақшларида ифода этган.

### *Исмоил Сомонийнинг вақфномалари*

1950 йилдан олдин ЎзР Марказий Давлат архивида сақланаётган Бухоро вақфномалари фондининг рўйхатида 1287 рақами остида "Исмоил Сомоний вақфномаси" номли ҳужжат қайд этилган эди. Унда ёзилишича, бу вақфнома 254 ҳижрий йилда (м. 868-69 й.) ёзилган асл нусхадан 986 ҳижрий йилда (мил. 1578-79 й.) кўчирилган. Форс тилида ёзилган бу вақфномага деҳқонлар билан 1914 йилда тузилган 6 та бутун ва 1 та ярими сақланган шартномалар илова қилинган.

Ҳозирги вақтда бу ҳужжат йўқолган, лекин унинг фотога олинган суратлари ва уларнинг негативлари сақланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт вазирлигининг Маданий мерос ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг архивида 3499 – 3510 рақамлари остида рўйхатга олинган.

Ушбу суратлар шубҳасиз юқоридаги рўйхатда қайд этилган ва ҳозирда йўқолган ҳужжатлардан олинган, чунки уларнинг мазмуни ҳам бир, илова сифатида келтирилган 1914 йилда деҳқонлар билан тузилган шартномаларнинг мазмуни ҳам бир хилдир. Лекин, суратлардаги матнга кўра, ҳужжатнинг тикланиш вақти юқорида қайд этилгандек, 986 ҳижрий йилда (мил. 1578-79 й.) эмас, балки 676 ҳижрий йил муҳаррам ойининг 4-куни, яъни милодий 1277 йилнинг 7 июнида амалга оширилган.

Ушбу ҳужжатда Исмоил Сомоний Сомжан ариғининг атрофларидаги унга қарашли бўлган ерларни ўзининг авлодларига вақф мулки сифатида васият қилганлиги ҳақида гап кетган.

Абу Бакр Наршахийнинг "Бухоро тарихи"да келтирилган маълумотларга кўра, Исмоил Сомоний Бухоро атрофидаги бўш ерларни ва баъзи бир қишлоқларнинг ерларини, шу жумладан Сомжан ариғи атрофларидаги ерларни сотиб олиб, уларни хайрия мақсадида вақф мулкларига айлантирган. Баъзи ерларни эса у ўзининг авлодлари учун вақф мулки сифатида ажратган. Сомжан ариғи атрофларидаги Исмоил Сомонийга қарашли вақф ерлари XII асрдаёқ эгасини йўқотиб, бошқа қўлларга ўтиб кетган эди. Ундан бошқа манбаларда Исмоил Сомоний вақф қилган ерлар ҳақида маълумот йўқ. Эҳтимол бу вақфнома XVIII асрда Исмоил Сомо-

ний авлодларининг талабига биноан қайта тикланган бўлиши мумкин. Чунки Бухоро шаҳрида 1920 йилга қадар Исмоил Сомонийнинг авлодлари яшаган маҳалла бўлиб, унда яшовчи оилалар вақф ерларидан келган даромад ҳисобига кун кўрганлар.

Суратларга кўра, архивда "Исмоил Сомоний вақфномаси" деб номлаган ва ҳозирда йўқолган ҳужжат бир-бирига узунасига ёпиштирилган 8 варақ қоғоздан иборат эни тахминан 25 – 30 см, узунлиги эса тахминан 3 – 4 м ни ташкил этган тилим бўлиб, ўрам шаклида ўралган. Ўрта асрларда ҳужжатлар одатда шу шаклда сақланган. 131 қатордан иборат матн 7 қисмга бўлинган бўлиб, уларнинг ораларида бўшлиқлар қолдирилган. Матнларнинг мазмунига кўра, улар 7 та турли ҳужжатлардан иборат бўлиб, ҳар бир ҳужжатдан кейин бўшлиқларда муҳрлар босилган.

Барча ҳужжатларнинг матнлари бир қўл билан ва бир вақтда настаълиқ хати билан ёзилган. Хатнинг палеографик хусусиятларига кўра, ҳужжат тахминан XVII асрда, балки ундан ҳам кейинроқ даврда ёзилган, чунки хатнинг бундай тури XIX асрга қадар ишлатилган. Ҳужжатнинг 17 ерига босилган бодомсимон муҳрда "Султон амир Ҳайдар", деб ёзилган, у эса Бухорода 1800 йилдан 1826 йилга қадар ҳукм сурган. Ҳужжатнинг 6 ерига босилган юмалоқ шаклдаги муҳрда бош қози мирза Муҳаммад Амин ўғли мирза Муҳаммад Фозилнинг исми ёзилган. Бу исм XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида тузилган бошқа ҳужжатлардаги муҳрлардан ҳам учрайди (Масалан, 1796 йилда тузилган ва Бухоро музейида 464 рақами остида сақланаётган ҳужжатда, 1809 – 1810 йилларда тузилган ва ЎзР ФА Шарқшунослик институтида Ф.Чекляр, № 30/24 рақами остида сақланаётган ҳужжатда). Шундай қилиб, матннинг хати ва муҳрлардаги ёзувлар ҳужжатнинг ушбу нусхаси XIX асрнинг бошларида кўчирилган деб хулоса чиқаришга имкон беради.

Фотонусха кўринишдаги ҳужжатнинг бош қисмида асл ҳужжатнинг яроқсиз ҳолга келгани боис, вақфномани қайта тиклаш тўғрисидаги баённома жой олган. 10 та қатордан иборат бўлган бу баённома ҳеч бир сарлавҳаларсиз бошланган. Баённомада айтилишича, Мир Сақнахий номи билан танилган саййид Муҳаммад ибн Амир Султон Ҳусайн Бухоро шаҳридаги Қозилик махкамасига ташриф буюради ва Исмоил Сомонийнинг вақф мулклари борасидаги вақфнома рўйхатини кўрсатади; унинг қоғози вакт ўтиши билан яроқсиз ҳолга келгани туфайли вақфномани қайта тиклашни илтимос қилади. Амир саййид Муҳаммад ибн Амир Султон Ҳусайн Исмоил Сомоний вақф мулклари мутаваллиси бўлган. Унинг илтимоси қондирилиб, вақфнома қайта тиклаб берилади. Баённомадан кўриниб турибдики, вақфномани қайта

тиклаш учун Амир саййид Муҳаммад ибн Амир Султон Ҳусайн қозига Исмоил Сомоний авлодларидан бири эканлигини тасдиқловчи қозининг муҳри босилган гувоҳнома кўрсатган.

Баённома битилган ушбу қоғоз бўлаги остидан яна бир қоғоз ёпиштирилган ва унинг дастлабки қаторлари Оллоҳни улуғловчи сўзлар, Қуръони Каримдан келтирилган баъзи оятлар, пайғамбарларга ва Муҳаммад пайғамбар соллалоҳу алайҳи ва салламга саловатлардан иборат. Шундан сўнг, Исмоил Сомонийнинг ўз авлодлари фойдасига вақф мулклари таъсис этиши сабаблари баён қилинган. Кейин эса вақф қишлоқлари, уларнинг чегаралари, жойлашган ўрни бирма-бир санаб ўтилади. Ҳужжатнинг икки ён четида Амир Ҳайдар муҳрлари босилган.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг 323 асосий фондида 758/6 ва 758/7 рақамлари билан Исмоил Сомоний авлодларига вақф қилинган ҳужжатнинг тўлиқ бўлмаган яна бир нусхаси сақланади. Форс тилида ёзилган ушбу вақфноманинг бу нусхаси катта бир бутун ўрамдан иборат бўлиб, «Подшоҳ Исмоил Сомоний авлодлари вақфномаси» деб аталади. Бу ҳужжат бир-бирига узунасига ёпиштирилган 7 та қоғоз бўлакларининг ўрамидан иборат. Ҳужжатнинг хақиқийлигини тасдиқлаш учун қоғоз бўлакларининг бир-бирига ёпиштирилган хар икки томонига муҳрлар босилган, муҳрларнинг ҳаммаси 13 та. Муҳр айлана шаклида, ҳажми 2.5 см. Бу муҳр амир Маъсум Шоҳмуродга (1785 – 1800) тегишли бўлиб, унда 1198 ҳижрий йил (мил. 1784-85 й.) кўрсатилган. Ҳужжат сарғиш тусдаги маҳаллий қоғозга ёзилган, сиёҳи қора; эни 42 см, узунлиги 3 м 10 см, қатори 98 та.

Фотонусха шаклидаги 1287 рақамли вақфноманинг бошида келтирилган 10 қатор баённома 758/6-758/7 рақамли ҳужжатда йўқ. Ҳужжат Исмоил Сомонийнинг ўз авлодлари учун вақф мулкларини таъсис этиш сабабларини баён қилиш билан бошланган. Ҳужжат қоғоз бўлакларининг бир-бирига ёпиштирилган жойларининг ҳар икки томонига Амир Шоҳмурод муҳрлари босилган. Вақфномада вақф мулкларининг қонуний вақф ер эканлиги таъкидланади. Асосий мавзудан кейин ҳукмнома бошланади. Ҳукмнома 17 қатордан иборат. Вақфнома “254 ҳижрий йилда (мил. 868-69 й.) битилган”, деб ёзилган.

Вақфноманинг бу нусхаси ҳам XVII – XIX Туркистонда кенг тарқалган настаълиқ хати билан ёзилган. Матндаги айрим бўшлиқларни ҳисобга олмаганда, ҳужжат яхши сақланган. Унинг нуқсонларидан бири шуки, айрим ҳолларда жой номлари аниқ ёзилмаган, ҳарфларнинг ҳаракатлари қўйилмаган. Бу эса ҳужжат матни бошқа нусхадан кўчи-

рилганлигидан далолат беради. Эҳтимол XVIII асрда ҳужжат қайта тикланган вақтда, ундаги баъзи жой номлари сақланмаган бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, "Исмоил Сомоний вақфномаси" деб аталган ҳужжатнинг 1287 рақамли йўқолган нусхаси XIX асрнинг бошларида, ҳозирда Давлат архивида сақланаётган 758/6 рақамли тўлиқ бўлмаган нусхаси эса XVIII асрда кўчирилган. Иккала ҳужжатнинг тузилиши ва тили, матнда ишлатилган атамалар шундан далолат берадики, бу ҳужжат қадимдан сақланиб келган нусха матнидан кўчирилиб, қайта тикланган ёки тарихий манбалар асосида XVIII асрда қайта тузилган бўлиши ҳам мумкин. Ҳужжатда Науканда ариғи ва Регистон майдонининг эски номи Коҳфурушон қайд этилганлиги ва унинг илгари қамишзор бўлгани ҳақида келтирилган маълумот диққатга сазовордир. Бу иккала ном ҳам Наршахийнинг "Бухоро тарихи"да учрайди.

Ушбу вақфноманинг ҳақиқий ёки сохта эканлигидан қатъий назар 1914 йилда у ҳақиқий ҳисобланган ва унинг асосида деҳқонларга ҳосилдан олинган даромад ҳисобидан Исмоил Сомоний авлодларига солиқ тўлаш мажбурияти қўйилган. Дастлаб уларга ҳосилнинг 1/10 қисми миқдорда, кейинчалик эса ҳосилнинг 1/3 қисми солиқ тўланган. Далаларда етиштирилган буғдой, пахта, жўхори, арпа, тариқ ва кўкноридан тўлов мол шаклида, боғлардаги мевалар ва пичанзорлардан эса тўлов пул шаклида олинган (1 таноп ердан 15 – 20 танга).

Деҳқонлар билан 1914 йилда тузилган мазкур шартномаларнинг ҳақиқийлиги ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Матнларнинг хати, тили, шакли ва тузилиши XX аср бошларида Бухорода тузилган ҳужжатларга жуда ўхшашдир. Муҳрларнинг ҳақиқийлиги ҳам шубҳасидир. 3 та ҳужжатга босилган айлана шаклдаги муҳрда қайд этилган Бош қози Бадриддин ўғли мулла Мир Бурҳониддин ҳақиқатда ҳам 1913 – 1920 йилларда Бухоронинг бош қозиси бўлган. 4 та ҳужжатга босилган бодомсимон муҳрда қайд этилган Мирза Насруллоҳ кулли қушбеги 1910 йилдан 1917 йилга қадар Бухоро амирининг вазири бўлган.

Вақфноманинг ҳар иккала нусхасида аввал Исмоил Сомоний вақф мулклари сифатида Паркат, Гармоба, Хўжа Убон, Наҳр-и Науканда, Мазраʻа-и Алишоҳ, Арбоб-и Ката ва Асбоб-и Айниддин қишлоқлари санаб ўтилган, сўнгида Сомонийлар мақбараси жойлашган ер тасвирланган. Ҳужжатда Паркат, Гармоба ва Хўжа Убон қишлоқлари Бухоро вилоятининг Сомжан туманида, Мазраʻа-и Алишоҳ, Арбоб-и Ката ва Асбоб-и Айниддин қишлоқлари Хутфар туманида, Наҳр-и Науканда қишлоғи эса Пой-и Руд туманида жойлашганлиги айтилган. Вақфномада Бухоро вилоятининг Пой-и Руд туманида жойлашган яна бир

катта ер ҳақида ҳам маълумот келтирилган, аммо унинг номи кўрсатилмаган.

Вақфномада бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлардаги сингари Исмоил Сомоний томонидан вақф қилинган қишлоқлар ва жой номлари келтирилганда, улар билан чегарадош ерларнинг номлари аниқ кўрсатиб ўтилган. Барча қишлоқларнинг шарқдан, ғарбдан, шимолдан ва жанубдан қайси ерларга бориб туташишлари ва чегаралари кўрсатилган. Ҳар бир қишлоқнинг чегаралари ҳақида атрофлича тўхталиб бўлинганидан сўнг, «Барча чегаравий белгилари ва оралиқлари аниқдир», деб қўшиб қўйилган.

Масалан, "Вақф қилинган қишлоқлардан *Паркат* Бухоро-и шарифнинг Сомжан туманининг маълум қишлоқларидан, унинг 4 томонидаги чегаралари қуйидагилардан иборат: ғарбда қумлик ва тепалик билан чегарадош бўлиб, Талл-и Паркат деб аталади, шимолда Хўжа Убон қишлоғининг ерларига бориб тақалади, шарқда Уба-и Тожиддин қишлоғининг ерлари, жанубда Биҳан (Бичанд) қишлоғининг ерлари билан чегарадошдир. Чегараларининг ҳамма томонлари маълум ва аниқдир".

"Яна *Гармоба*, Бухоро вилоятига қарашли Сомжан туманининг маълум қишлоқларидан, унинг 4 томонидаги чегаралари қуйидагилардан иборат: ғарбда ташландиқ эгаси йўқ ер билан чегарадош бўлиб, бу чўл Хоразм чегарасига қадар чўзилган, шимолда Қоқиштувон қишлоғи, шарқда юқорида айтиб ўтилган Паркат қишлоғи, жанубда Хўжа Диза қишлоғининг экинзорлари (*мазраʻа*) билан чегарадошдир. Чегараларининг ҳамма томонлари маълум ва аниқдир."

Вақфноманинг 1-қисмдан кейин сурати сақланган 1287 рақамли нусхада қоғозда озгина бўш жой қолдирилган ва ундан кейин эса Қози Мирза Муҳаммад Аминнинг муҳри ва сарлавҳа билан янги мазмундаги вақф ҳужжати келтирилган. 758/6-758/7 рақамли ҳужжатда эса бу ерда ҳеч қандай муҳрлар қўйилмаган, амир Шоҳмурод исми туширилган муҳрлар вақфноманинг фақат қоғозлар бир-бирларига ёпиштирилган жойларига қўйилган. Янги мазмундаги вақф ҳужжати эса ҳеч қандай сарлавҳасиз янги қатордан бошлаб кетилган.

2-ҳужжатда Исмоил Сомонийнинг юқорида келтирилган қишлоқларни ўз авлодлари ва камбағал мусулмонлар учун вақф сифатида қолдирганлиги таъкидланиб, унинг бу борада бир қатор шартлари ҳам баён этилади. Сўнгида мазкур ҳужжат одиллар ва ишончли одамлар ҳозирлигида битилгани таъкидланади. Сурати сақланган 1287 рақамли вақфномада Муҳаммад Фозил ибн Мирза Муҳаммад Амин муҳрлари қўйилган, 758/6-758/7 рақамли ҳужжатнинг бу қисмида ҳам ҳеч қандай қозининг муҳри қўйилмаган.

Шундан сўнг, вақфноманинг ҳар иккала нусхасидаги 3-ҳужжатда баҳсли ерларнинг вақф мулки эканлиги борасида ҳукм чиқарган қозининг қарори ўрин олган қонуний иш жараёни баён этилган. Бу ҳужжат Амир Наср ибн Амир Аҳмад Бухоро шаҳридаги қозилик маҳкамасига келиб, Мир Забон ибн Абд ал-Мансур устидан даъво қилиши масаласига бағишланган. Амир Наср Мир Забон ўз тасарруфи остидаги ерларга ноқонуний эгалик қилаётганлиги борасида қозига арз қилади ҳамда бу ерлар унинг ворисий ерлари эканлигини; бу ерларни Исмоил Сомоний унга вақф қилиб қолдирганлигини таъкидлайди ҳамда қозидан бу ерларни унга қайтаришга тўғрисида ҳукм чиқаришни сўрайди. Мир Забон ибн Абд ал-Мансур Амир Насрнинг бу даъволарини инкор қилади. Шунда Амир Наср қозилик маҳкамасига Хўжа Рофиъуддин ибн Хўжа Шамсиддин ибн Хожа Бадридддин ва Мавлоно Али Муҳаммад исмли икки гувоҳини олиб келади. Гувоҳларнинг иккови Амир Наср сўзларини тасдиқлашади ва жавобгардан ўз тасарруфи остидаги ерларни Амир Насрга қайтаришини талаб қиладилар. Мир Забон уларга қарши бирон чора қўллай олмайди. Қози Мир Забон тасарруфи остидаги ерлар Исмоил Сомонийнинг ўз авлодларига вақф сифатида қолдирган ерлар эканлиги ҳақида Амир Наср фойдасига қарор чиқаради ва Мир Забондан ерларни Амир Насрга топширишини талаб қилади. Шу тариқа бу қонуний ажрим жараёни Амир Наср ибн Аҳмад фойдасига қарор чиқарилиши билан якун топади.

4-ҳужжатда қарама-қарши мазмундаги қонуний ажрим жараёни баён этилади. Бу ҳужжатда энди Фойиқ ибн Арслон ибн Мир Забон Бухоро шаҳридаги Қозилик маҳкамасида қозининг ноиби ҳузурида Абу Наср ибн Амир Аҳмад Сомоний устидан даъво қилади. Фойиқ ибн Арслон Абу Наср ибн Амир Аҳмад қўл остидаги мулклар аслида унинг мулки эканлигини ва Абу Наср ибн Аҳмад бу ерларга ноқонуний эгалик қилаётганлигидан арз қилади, бироқ Абу Наср ибн Аҳмад унинг бу даъвосига эътироз билдиради. Қози бу гал ҳам Сомонийлар сулоласи вакили фойдасига қарор чиқаради. Вақф даромадлари тақсимланиши борасидаги шартлар битилган матнда вақф ҳижрий 254 йил шаввол ойининг 9 куни, яъни 868 йил 1 октябрда «подшоҳ Исмоил Сомоний ҳазрати олийлари» томонидан таъсис этилгани айтилади, аммо, маълумки, Исмоил Сомоний фақат 874 йилда акаси Насрнинг ноибига айланган, Бухоронинг тўлиқ ҳукмдорига эса унинг вафотидан сўнг, яни 892 йилда айланган. 868 йилда Исмоил Сомоний ҳали ҳеч қандай унвонга эга эмас эди. Баҳсли ерлар борасидаги иккала ҳужжатда ҳам жой номи кўрсатилмаган.

Бухоролик тарихчи М.Саиджоновнинг маълумотига кўра, Бухорода Исмоил Сомонийнинг авлодларига қолдирган вақфномасининг 976/

1568-69 йилда кўчирилган нусхаси ҳам бўлиб, унда ёзилишича, Исмоил Сомоний 254/868 йилда отаси амир Аҳмад ибн Асаднинг (250/864-65 йилда вафот этган) қабри устига мақбара қурдирган ва бу ердан Регистонгача бўлган ерларнинг бир қисмини шу мақбарага вақф қилиб берган. Исмоил Сомоний мавзолеи деб аталган бу мақбара ҳозирги кунгача сақланган ва Бухородаги маданият ва истироҳат боғида жойлашган.

* * *

